

4 бет

9 бет

Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2009-yil 15-oktabr, №42 (667)



2009-yil 15-oktabr, №42 (667)



Наши курсы — 231



прокурор-тергов ходимлари иштирокидаги мазкур учрашувдан кўзланган мақсад икки авлод ўртасида фикр алмашиш, тажрибалари билан ўртоқлашишдан иборатдир.

Хуқуқий давлат ва инсон ҳуқуқлари — бу ҳақиқат, эътилоҳ ва асослар сари ағона йўлининг узвий таркибий қисмларидир. Инсон ҳуқуқлари ҳуқуқий давлатчиликнинг инсонийлик мезонидир.

Давлат мустақиллигини эълон қилар экан, Ўзбекистон иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий соҳаларда туб ангиланишлар даврига қадам қўйди. Халқимиз эркин бозор иқтисодиёти ва кучли ижтимоий ҳимоялаш тизимида асосланган демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бормоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини

18 ёшга тўлган барча фуқаролар сайловда умумий ва тенг шарт-шароитларда қатнашишларини аниқлади. Асосий Қонунда ижтимоий келиб чиқиши, irqи ва миллий мансублиги, ижтимоий ва маънавий мавқеи, жинси, маълумоти, тили, динига муносабати, муайян жойда қанчадан бўён яшаётганлиги ёки машғулотининг турига қараб, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини чеклаш тақиқланган. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суднинг ҳукмига биноан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайловда қатнашмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиш ҳарбий хизматчилар ва

эса фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўла қаролатланганлигидан далolat берди.

Республикада фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини таъминлашга доир Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари ишлаб чиқилганки, ҳозирги кунда бу қонунлар Республикада сайлов ҳуқуқини ва сайлов тизимини тартибга солишга хизмат қилиб келмоқда. "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида"

Қонунчилик палатасига сайланган айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек, депутат қайтариб олинган ёки бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда янги сайлов ўтказилиши 47^а-моддада қафолатлаб қўйилди. Қонунчилик палатасига Ўзбекистон экологик ҳаракатидан депутатлар сайланишининг жорий этилиши билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси таркибига ҳам ўзгариш киритилиб, беш йил муддатга сайланган 150 та депутатдан иборат бўлиши, шундан 15 нафар депутат Ўзбекистон экологик ҳара-

САЙЛОВ ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

(Давоми. Бошланғиш 1-бетда)

Маъмур Концепцияда сайловчиларга сайлов қонунчилиги қоидаларини кенг тушутириш, фуқароларни депутатликка номзодларнинг сайлов олди дастурлари билан яқиндан таништириш учун шарт-шароитлар яратиш, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида мамлакатимиз ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида сайловчиларнинг хабардорлигини ошириш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Сайлов кампаниясида ёшлар ва хотин-қизлар иштироки, уларнинг ижтимоий фаоллиги, сиёсий ҳада ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш учун шарт-шароит яратиш ҳам Концепциянинг асосий қоидаларидан бири сифатида намоён бўлган.

Айтиш жоизки, инсон саломатлигини асраш, атроф-муҳит ҳимояси ва экологик вазият барқарорлигидан аҳолининг барча қатлами бирдек манфаатдор. Ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишидан келиб чиқиб, янги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланадиган вакиллари учун Қонунчилик палатасидан 15 та депутатлик ўрни ажратилди. Шу билан бирга юртимиздаги сиёсий воқеаларнинг ҳисобга олган ҳолда, қонун ижодкорлиги даражасини ошириш, демократик қурилишда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш мақсадида Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари 120 талдан 150 тага кўпайтилди.

Бўлажақ сайловлар мамлакатимиз сайлов қонунчилигининг янада либераллашуви ва такомиллаштирилиши шарт-шароитларидан ўтказилди. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган реал жараёнларнинг ҳисобга олган ҳолда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар қўраштириш институтини тугатилди. Натижада ҳозирги вақтда фақат сиёсий партиялар депутатликка номзодлар қўраштириш ҳуқуқига эга. Қонунчиликка сиёсий партияларнинг ваколатли вакили институтини киритилмоқда ва унга сайлов участкаларида овозлар санаб чиқишда, имзо ва рақаларини тузишнинг тўғрилигини текширишда иштирок этиш ҳуқуқи берилмоқда. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сонини аввалги 5 нафардан 10 нафарга кўпайтирилди. Қонун ҳужжатларига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича фаолиятини ошқораликни кенг таъминлашга қаратилган нормалар киритилди.

Шундай қилиб айтиш жоизки, жорий йилнинг декабры ойда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар такомиллашган қонунчилик ва демократик принциплар уйғунлиги руҳида ўтказилди.

Ўткиржон ДЕХҚОНОВ,
"Huquq" мухбири

ДЕМОКРАТИК САЙЛОВ КАФОЛАТИ

ўзида ифодаловчи ва уни тўла қафолатловчи ўзининг Конституциясини қабул қилишга эришди. Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси халқаро экспертлар томонидан юқори баҳолини, у демократик конституцияга қўйиладиган юксак талабларга жавоб бериши ҳамда инсон ва фуқароларнинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини қафолатлашга хизмат қилиши эътироф этилди. Асосий қонун матнида инсон ҳуқуқларига тааллуқли нормалар устувор ўрин эгаллайди. Улар инсон ҳуқуқларининг кўпқирралиги билан ажралиб туради ҳамда ҳар бир шахснинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлари қафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини ҳам қафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига кўра, фуқаролар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Фуқароларнинг бу сиёсий ҳуқуқлари уларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишини таъминлайди. Республика Президенти Исрол Каримов таъкидлаганидек, "Ислохотлар жараёнида Республикада янги демократик сиёсий тизимнинг асослари яратилди, деб ҳулоса чиқариш мумкин. Бу тизим сиёсий ташкилотларнинг, маъмури ва фуқароларнинг турли-туманлиги асосига қурилган бўлиб, давлат ва жамиятнинг бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлайди".

Фуқароларнинг сайловларда иштирок этиш, депутатликка сайланиш ёки ва сайлов тизими Конституциянинг 117-моддасида белгиланган.

Демократик сайлов тизими мустақил Ўзбекистон Республикасида халқ ҳокимиятичилигини, фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқларини амалга оширишнинг энг муҳим механизмларидан биридир. Халқнинг ҳокимият билан узвий алоқаси, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида аҳоли барча табақаларининг манфаатларини кенг ифода этиш, маъмур органларнинг сайловчилар, турли сиёсий кучлар ва вакиллик органлари олдиданги ҳисобдорлиги аини сайлов тизими орқали таъминланади.

Конституцияга биноан мамлакатимизда Президент сайлови, Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари сайлови умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади.

Умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи

уларнинг ҳарбий қисмларда яшайдиган оила аъзолари, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчионалари ва ваколатхоналарида ишлаётганлар, овоз бериш кунини муайян хорижий мамлакатда, шунингдек, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқароларнинг яшаш жойларида бўлиб турган Республикадаги фуқаролари ҳам тенг сайлов ҳуқуқига эгалар.

Сайлов ҳуқуқининг тенглиги принципини ҳар бир сайловчи фақатгина битта сайловчилар рўйхатида киритилиши, фақат битта овозга эга бўлиб, сайловда тенг асосларда қатнашиши мумкинлигида ўз ифодасини топган. Бу борадаги тенглик сайлов округларини сайловчилар сонининг баробар бўлиши қоидаи асосида тузиш билан ҳам таъминланади. Бир сайлов округидаги сайловчилар овози бошқа округдаги сайловчиларнинг овозига амалда тенг бўлишига шў зайла эришилади.

Тенглик принципи номзодларга қонунда белгиланган тарзда тенг миқдорда ишончли шахсларга эга бўлиш, сайловда тартибга солиниш ўтказишда ўз сайловчилари билан уршувлар ўтказиш ҳуқуқининг тенг қафолатлари ва имкониятларини бериш йўли билан ҳам таъминланади.

Фуқароларнинг сайловчилар рўйхатига киритилмаганлиги, нотўғри киритилганлиги ёки ундан чиқариб юборилганлиги ва бошқа сайлов ҳуқуқининг бузилиши устидан шикоят қилиш ҳуқуқи Фуқаролик-процессуал кодексининг 272-моддасида қафолатланган бўлиб, бундай турдаги ишлар суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай қўриб қилиниши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол қўриб қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 майда қабул қилинган "Судларда фуқаролик ишлари қўрилишида прокурор иштирокининг самардорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида"ги 22-сонли буйруғига сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича қўриладиган фуқаролик ишларида прокурорнинг иштироки мажбурийлиги ва бу турдаги ишларнинг қўрилишида вилоят, туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари қатнашишлари қатъий белгиланган. Бу

ти, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги, шунингдек, "Сайловчиларнинг сайлов ҳуқуқлари қафолатлари тўғрисида"ги Қонунлар шулар жумласидандир.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида сайлов тизимини ислох қилишга ҳам алоҳида аҳамият берилди. Сайланиш ва сайлаш ҳуқуқини тартибга солишга доир қонунлар такомиллаштирилиб, сайлов ҳуқуқини такомиллаштиришга доир қўшимча ва ўзгаришлар киритилди.

Жумладан, 2008 йил 19 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида"ги Қонунга ҳам бир қатор қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Жумладан, ушбу қонунга янги 71-боб киритилиб, у "Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига депутатларини сайлаш тартиби" деб номланди. Ушбу бобда 5 та модда ўз ифодасини топиб, 47^а-моддада Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш тартиби белгиланган. Ушбу моддага кўра, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш тартиби белгиланган. Ушбу моддага кўра, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш тартиби белгиланган. Ушбу моддага кўра, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш тартиби белгиланган.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига депутатлар сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш очик ҳада ошқорла амалга оширилади. Шу билан бир қаторда Қонуннинг 47^а-моддасида Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлари этиб сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар, 47^а-моддасида марказий сайлов комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар белгиланган.

Қонуннинг 47^а-моддасига кўра, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига депутатлар сайлови ўтаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан депутатларнинг такоррий сайлови ўтказиш белгиланганлиги фуқароларнинг такоррий сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини қафолатлайди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон экологик ҳаракатидан

тидан сайланиши белгиланди. Бу эса Ўзбекистон Республикасида экологияни ривожлантириш ва уни ҳимоя қилиши такомиллаштириши таъминлайди.

Шу билан бир қаторда сайлов қонунчилигининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган "Референдум якуналари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий Қонун, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонун ва шу каби бир қатор қонунларнинг айрим нормаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Қонунчилик киритилган бу ўзгаришлар ва қўшимчалар инсон ва фуқароларнинг ҳамда давлат ва жамият манфаатларини ҳимоялашга ҳамда миллий қонунчилигимизни халқаро ҳуқуқ нормалари билан мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий қонунчилигимизни яратиш ва уни такомиллаштиришда халқаро ҳуқуқий нормалар ҳамда ривожланган мамлакатларнинг сул-ҳуқуқ соҳасидagi тажрибаларини ўрганишга ва уларни қонунчилигимизга имплементация қилишга қатъа аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўлақонли аъзоси бўлиб, ўз зиммасига БМТ ҳужжатлари, шунингдек Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа бир қатор шў сингари халқаро нуфузга эга бўлган ташкилотлар томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича 50 дан зиёд ҳужжатлар талабларини бажариш мажбуриятини олганлиги ва ҳозирги кунда бу мажбуриятлар бажариб келинаётганлиги Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга доир ҳуқуқий негиз шаклланилигидан далolat беради.

Сайлов қонунчилигининг такомиллашуви, унинг халқаро ҳуқуқ нормаларига мутаносиблигини таъминлаб бориш ҳам инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан бирга демократик сайловларнинг қафолатидир.

Матлуба АМИНЖОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи
вазифасини бажарувчиси

21 октябрь куни ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 20 йил тўлади

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши унинг ривож учун кенг имкониятлар очиб билан бир қаторда, тилшуносларимиз олдида бир қатор мураккаб вазифаларни қўймоқда.

Ҳар қандай тил доимо тараққий этиб, бойиб боради. Бунинг учун тил сисъати замонавий, ижтимоий-иқтисодий тараққийёт тенденцияларини, интеграция жараёнини ҳисобга олган ҳолда юритилмоғи, миллийлик билан биргаликда байналмиллаллик ва илмийлик принципларига амал қилмоғи керак. Айниқса, мамлакатда қонунларнинг мукамал ишлаб чиқилишида, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг юксалишида юридик атамашунослик масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқий давлат кураётган бугунги кунимизда ҳуқуқ ва қонун тили миллий тил нуқтаи назаридан ишлаб чиқилиши лозим. Шу муносабат билан сўнгги йил-

катта тошни, лаҳм гўшт (арабча лаҳм-гўшт) деганда эса суяксиз гўштни, интервал оралиги (интервал-оралиқ) деганда бирор бир ҳодиса ёки транспортларнинг қатнашидаги вақт оралиги маъноларини англаймиз. Лекин бу ўзлашма сўзлар ўзбек тилида ўз маъносидан англашилмайди. Улар семантикасида маъно силжиши рўй берган. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳар қандай атамани ўзбек тилига сўзма-сўз ағдариб билан янги термин ҳосил қилинади, деб қараш тўғри эмас. Ўзбек тилига таржима қилинаётган ёки муқобили топилаётган ҳар қандай атамани яратишда тилимизнинг бой имкониятларидан унумли фойдаланиш зарур.

бўлса, бошқасида "Матбуот услуби", яна бирсида эса "Публицистик услуб" дейилган. Атамани тўғри англамаган, тушунмаган ўқувчи матндаги фикрни тўла ўзлаштира олмади. Айниқса, бир атаманинг дарсликларда турлича берилиши ахборот олишни янада қийинлаштиради.

Шу сабабли атамаларни тартибга солишни мактаб дарсликларидан бошлаш керак. Ҳар бир дарсликда қўлланилаётган атамалар соҳа мутахассислари ва тилшунослардан тузилган махсус гуруҳлар назоратидан ўтгач, нашрга топширилиши лозим. Акс ҳолда, чалкашлик янада кўпаяди. Зеро, мактаб таълими фундаментал билимларга асос бўлади.

Бугунги кунда янги мактаб дарслик-

бартараф этади, деган умиддамиз. Энг муҳими, давлат тили тўғрисидаги қонуннинг нечоғли амалга ошаётганлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг 7-моддаси ўзак модда ҳисобланади.

Баъзи тилшунослар қонунни мукамал билмаслиги туфайли нотўғри татбиқ этишади. Абдулла Қаҳҳорнинг фикри билан айтганда, агар ҳайдовчи йўл қодаларини бузса ДАН ҳодими томонидан тўхтатилиб, тегишли жавобгарликка тортилади. Лекин тилни бузганларга ҳеч қандай чора қўрилмаслиги ачинарлидир. Кўпчилик иш юритиш меъёрлари ва қодалари билан ҳам яхши таниш эмас. Масалан, имзо қўйишнинг давлат стандартлари ва махсус қодаларига риоя қилиш шарт. Биринчидан имзо қўйишда исм-шарифнинг камида 2 та белгиси бўлиши, имзолар тепасига муҳр босилмаслиги, ваколати тенглор имзо қўйганда параллел имзолар қўйилиши шарт. Акс ҳолда, имзолар давлат стандартлари бўйи-

ТИЛИМИЗНИНГ СИРЛИ ОЛАМИ

ларда фанлараро тадқиқотларда тил ва ҳуқуқ соҳаларининг ўзаро алоқадорлигини ўрганиш, шунингдек, суд тили, юридик ҳужжатлар тили ва услуби, юридик тил назарияси, норматив ҳужжатлар тили ва услуби каби масалаларнинг илмий тадқиқ этилиши долзарб мавзулардан бирига айланмоқда.

Фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган ҳозирги кунда турли соҳаларга оид терминларни тартибга солиш ҳам долзарб масалага айланди. Ҳар бир соҳа терминологияси тизимли ва мукамал терминларнинг бўлишини тақозо этади. Илмий-техник ва юридик адабиётларда, махсус терминологик лугатларда тил омилларида тўла риоя қилинмай, тилимизнинг имкониятларини ҳисобга олмай яратилаётган терминларнинг мавжудлиги ўзбек тилининг барча терминологик тизимларида кузатилаётган жиддий қўсуралардир.

Турли соҳаларга оид байналминвал терминларнинг аксарияти дунё тилларининг кўпчилигида фаол қўлланиб келинаётганига қарамай, баъзан уларга сўнгги тарзда ўзбекча муқобил топишга уринишлари ҳам кузатиш мумкин. Баъзи терминлар борки, улар ўзи англлатган тушунчалари билан тилимизга кириб келган. Терминологиямизнинг баъзи соҳаларида бу борада анча ижобий силжишлар бор. Масалан, ботаникада -симон, -дош, доричуносликда -ин, геологияда -ит, ҳужжатчиликда -нома, техникада -гич қўшимчалари махсуслаштирилган ва терминэлемент даражасига етган. Ушбу самарали усулни ҳар бир соҳага татбиқ этиш керак. Миллий терминэлементлар яратиш, яъни қўшимчаларни махсуслаштириш терминларга қўйиладиган энг асосий талаблардан бири — қисқаликни таъминлашда муҳимдир.

Масалан, айрим сўзлар бажараётган маънони қўшимчага юклаш ва уни тушириб қолдириш орқали қисқаликка эришиш мумкин, кўрак чувгич машина, кўрак чувгич аппарат каби бирикма терминлардан машина, аппарат сўзларини тушириб қолдирилса, улар англлатган маъно - гич қўшимчаси орқали ифодаланади, яъни кўрак чувгич каби. Ҳар бир соҳа терминологиясини тартибга солишда айнан ўша соҳа олимлари, мутахассислар фикри асос бўлиши керак. Соҳа мутахассислари билан тилшуносларнинг ҳамкорлиги эса турли фан атамаларини тартибга солишда жуда катта самара беради.

Маълумки, ҳар қандай амалдаги тил доим ривожланиб, такомиллашиб боради. Ўзбек тилига четдан ўзлашган сўзлар ёки улар таркибидagi терминэлементлар маъносини ҳисобга олмаслик кўп ҳолларда атамалардаги аниқлик, қисқалик мезонларининг бузилишига олиб келмоқда. Ўзбек тилида шундай бирикмалар борки, бу бирикмаларда айнан бир сўзнинг такрорланаётгани маълум. Қаерда сўз ортиқча бўлса, у ерда фикр хиралашади. Масалан: бош-оёқ сарпо (тожик тилида сар-бош, по-ёқ) деганда биз бирор кишига инъом этиладиган уст-бошларни, харсангтош (санг-тош) деганда

Лугатлар тузилишида ҳам қатор муаммо ва камчиликларни кузатамиз. Бундан ушбу ойдin мейдан бир аспирант йигит "ҳалқоб" сўзининг қандай ёзилишини сўраб қолди. У йигитга "ҳалқоб" сўзнинг бош ҳарфи "х", яъни бугиз товуши билан ёзилишини айтдим. Эртаси куни ўша йигит иккита лугатни кўтариб келди. Бир лугатда "ҳалқоб" сўзи "х" билан, бошқа лугатда эса "х" билан берилган экан. Бояги йигит менга қараб: "Домла, қайси лугатга ишонч бор" деди. Ана шундай ҳолатлар ҳам учраб турибди. Лугат тузиш бир ёки икки кишининг иши эмас. Аслида ҳар қандай лугат, айниқса имло лугати илмий жамоатчилик фикри ва соҳанинг етук мутахассислари иштирокида тузилиши лозим.

Атамашуносликдаги муаммолар масалалардан яна бири турли соҳаларга оид ўзга тилига тегишли атамаларнинг таржима қилиниб, кенг қўламда ишлатилаётганлигидир.

Масалан, ботаника фанида рус тили илмий адабиётларида қўлланивчи «высшие растения», «низшие растения» атамалари ўзбек тилига «юксак ўсимликлар», «тубан ўсимликлар» тарзида таржима қилиниб, мактаб дарсликларда қўлланилмоқда. Ҳолбуки, ўзбек тилида «тубан» сўзи салбий бунёдкорликка эга бўлиб, шу ўринда тушунча моҳиятини англаштишда муваффақиятсиз қўлланилган. Шундай экан, бу атамаларни ўзбек тилида «ўсимликсимонлар» тарзида бериш мумкин. Шунинг учун ҳам ўқиб ва ўқитиш жараёнида ҳар бир атамани ишлатишга алоҳида эътибор бериш лозим. Ҳатто она тили дарсликларида ҳам, маълум бир синф дарслигидаги атама, бошқа синф дарслигида тамоман бошқача шаклда берилмоқда. Мисол қилиб, она тили дарслигидаги "услуб"лар ҳақида берилган тушунчалар баъзи дарсликда "Оммабоп услуб" дейилган

лари лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосида нашр қилинмоқда. Бироқ айнан шу дарсликларда атамаларнинг янги имло қондасига кўра хато ёзилаётганлиги кишини ташвишлантиради.

Бунга асосий сабаб, айрим дарсликлар кирилл алифбосида тайёрланиб, компьютердаги махсус дастур орқали янги лотин ёзувиге ўтказилмоқда. Компьютер дастурларида кирилл алифбосида я, ю, ё, е, ҳарфларини -уа, -уо, -уй, -уе тарзида бериш режалаштирилган. Ҳолбуки, амалдаги я, ю, ё, е, ҳарфларини барча ўринларда лотин ёзувида икки ҳарф билан ифодалаш имловий хатоларни вужудга келтиради.

Масалан: октябрь- oktabr, ноябрь- noyabr, бюджет- budjet, бюст- vyust каби сўзлар таркибидagi я, ю ҳарфлари талаффузга кўра бир ўринда бир ҳарф билан, иккинчи сўзда икки ҳарф билан ифодаланади. Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосида ё, е, ю, я, ц ҳарфлари, шунингдек, ь, ъ белгилари билан қўлланиладиган айрим атамаларни янги лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосида ифодалашда қатор муаммолар мавжуд.

"Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган, бир қатор имло лугатлари - меъёрий лугат ҳисобланса-да, уларда хилма-хиллик кўзга ташлана бошлади. Бир сўзни икки хил ёзиш одатий бўлиб қолди.

Кўриниб турибдики, имло лугатига ўхшаган меъёрий лугатларни хоҳлаган муаллиф тузиши ва ихтиёрий навиришда нашр қилиши имло қодаларининг бузилишига олиб келмоқда. Институтимиз олимлари томонидан 1995 йилда тайёрланган мактаб лугати, шунингдек, 80 мингдан ортиқ сўзни қамраб олган "Ўзбек тилининг имло лугати" бу муаммоларни

ча қонуний кучга ва ҳуқуқий ваколатга эга бўлмади.

Тилнинг қонун-қодаларига тўғри риоя қилиш миллат саводхонлигини ошириш демакдир. Мустақилликнинг ilk пайдeвори давлат тили тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинишидан бошланган десак муболага бўлмади.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Шаҳримиздаги кўча, ресторан, ҳахбаҳона, меҳмонхона, фирма ёки бошқа идораларнинг хорижий атамалар билан номланишига разм солинг. Масалан, "Дедеман", "Ла Плас" каби меҳмонхоналарнинг хорижий атамалар билан номланиши халқимиз учун эриш, чунки улар биз учун маъму тушунчалардир. Дейлик, машҳур меҳмонхонага ўзбекча ном берсак ўша меҳмонхона номини хорижликлар таржима қилиб, маъносини билишга интилади. Баҳонада бир ўзбекча сўзни эслаб қилиб, тилимизнинг оммалашига туртки бўлади. Эътибор берсангиз, хорижий давлатларда чет эл фуқаролари томонидан очилган идора ёки фирмалар ўша худуднинг атамалари билан номланади. Хорижий давлатларда идора, фирма ёки муассасаларнинг чет эл атамалари билан номланишига йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, мутасадди идоралар республикамиз худудда фаолият кўрсатган хусусий ташкилотларнинг номлаштишга аҳамият берса яхши бўлар эди. Дўкон ёки хусусий ташкилотлар шубҳасиз, тadbиркорники, аммо пешлавлардаги номлар халқники ҳисобланади-ку! Ана шу масалаларга жиддий эътибор берсак тилимизнинг нуфузи янада ошади.

Н.МАҲКАМОВ,
ЎзФА Алишер Навоий номидagi
Тил ва адабиёт институти бўлим mudiri,
филология фанлари номзоди

Тил - миллатнинг қурки, зийнати. Маънавиятимиз тинсолларидан бўлган она тилимиз бошидан не-не синовларни кечирмади. Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак дастлаб чор маъмурияти, кейин собиқ совет ҳукумати миллатни йўқотиш учун ўтказган маънавий тазйиқлари она тили-

ри, ҳуқуқлари эъзозланган ҳолда ўзбек тили бутун барча учун қадридир. Қўчаларимиз, ташкилотларимиз номлари ўзбек тилида жарангламоқда. Жаҳон ареналарида туриб спортчиларимизнинг она тилимизда Ўзбекистон мадҳиясини қуйлашлари қалбимизга гурур бахш этади. Бир пайтлар улуг бобока-

МИЛЛАТИМИЗ ЗИЙНАТИ

мизга ҳам таъсир этгани маълум. Бу борада бизга тарих гувоҳлик беради. Биргина ўзбек тилидаги сўзларнинг бузилиб айтилиши, ўзбек исм-фамилияларидаги чалкашликлар, масалан, Мирхўжаевнинг - Мирова деб айтилиши, маънавиятимизга салбий таъсир кўрсатган эди.

Бироқ, зулм эъгулик олдиди тиз чўкиб, 1989 йил 21 октябрда Ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши она тилимизни зўрлик исканжасидан халос этди. Бугун халқимиз ўзбек тилида хоҳлаган жойида сўзлаш ҳуқуқига эга бўлди. Кўп миллат истискомат қилувчи Ўзбекистон Республикасида бошқа миллатларнинг қадриятла-

лонимиз, сўз мулкининг сўлтони Алишер Навоий ўзбек тилининг бой имкониятларини сўзлаб, Шарқ шоирларининг бу тилга қизиқишини орттирганлар. Бугун олимларимиз, шоирларимиз ўз она тилимизда ижодларига қанот бахш этияптилар.

Ўзбек тилининг Давлат тили мақомини олиши бизга маънавиятимизнинг тикланиши учун берилган неъматдир, деса ҳам хато қилмайман.

Дилноза ЎРИНОВА,
Ўзбекистон Давлат Санъат институти
журналистика бўлими талабаси

ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ

Журналистлар ҳалқимизнинг турли ёш ва касбдаги вакилларица - ишчи, деҳқон, олим, талаба, ўқувчи ва бошқаларга "Мустақиллик сизга нима берди?" деган савол билан тез-тез мувожаат қиладилар.

Албатта, юртдошларимиз мустақиллик буюк нёъмат эканлигини, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ва бошқа соҳаларда ўз тараққиёт йўлимизга тушиб олганлигимизни, Ўзбекистонни жаҳон тан олганлигини, юртимиздаги тинчлик ва оқоилиштиликни, шахсий ҳаётларида фаровонлик бўлаётганлигини фахр билан тилга олади.

Дарҳақиқат, юртимиздаги буюк ўзгаришларни қанча тақорласак арзийди. Айниқса, умуминсоний қадриятларга эътибори миллий қадриятларимизнинг тикланганлиги ва қайта жонланганлигини айтмайсизми? Ушбу саволга берилган яна бир жавоб, айниқса диққатни тортади: "Мустақиллик тилимизни қайтариб берди". Ҳақиқатан ҳам, Мустақиллик она тилимиз бўлоқлари кўзини яна очиб юборганлигини, давлат ишлари тўлиқ ўзбек тилида олиб борилаётганлигини, унинг тиниқ чашмасидан бемалол баҳраманд бўлаётганимизни ҳалқимиз яхши билади ва буларни Истиқлол берган олий нёъмат дея эътироф этади.

Ҳа, ўзбек тили дунёдаги энг бой ва гўзал тиллардан бири ҳисобланади. Шеърят султони Алишер Навоий ўз асарларида 200 мингдан зиёд сўз қўллагани ҳам тилимизнинг ифода қудрати нақадар кенглиги намунасидир.

Ўзбекистон бугун жаҳонга юз тўтмоқда. Ҳозирги кунда миллий туйғуни шакллантириш, инсонларни Ватанимизга, маданиятимизга, тарихимизга, тилимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш фойда муҳимдир. Ушбу миллий ғурур, миллий ифтихор масаллари она тилимиз билан чамбарчас боғлиқ.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1989 йилнинг 21 октябрь кунини ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейин қадимий ва бой тилимизга бўлган эътибор янада ортди. "Давлат тили ҳақида"ги қонун она тилимиз ривожини учун зарур шароитларни яратиб берди. Ушбу қонун моҳият-эътибори билан орадан бир неча йил ўтиб эълон қилинган Ўзбекистон мустақиллигига қандайдир даражада пойдевор бўлган тарихий-сиёсий ҳужжатлардан эди десак, янглишмаймиз.

Дастлаб, бу дастурий ҳаётга татбиқ этиш қатор муаммоларни ҳал этишни тақозо этди. Биргина мисолга эътибор қаратилган бўлса, авваллари давлат миқёсида барча иш юритиш ҳужжатлари рус тилида олиб борилад эди. Биринчи галдаги вазифа иш юритиш ҳужжатларини ўзбек тилига ўғиртиш бўлди. Зеро, "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг 8-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатлари, давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади", деб таъкидлан-

ган. Бугунги кунда ушбу қонунга тўлиқ амал қилинмоқда, дарслиқлар, қўлланмалар, қонунлар, илмий асарлар давлат тилида нашр қилинаёти.

Жамиятимиз ҳаётининг барча соҳасига узвий боғланган аризаларни рус тилида ёзилиш тартиби ўзбек тилига кўчирилганлиги ҳам қувончли ҳолдир. Бу ҳам "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг 14-моддасида ўз тасдиғини топган. Унга кўра Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахсларга давлат ташкилотлари ва муассасаларга, жамият бирлашмаларига аризалар, тақлифлар, шикоятлар билан давлат тилида ва бошқа тилларда мувожаат қилиш ҳуқуқи таъминланади" деб ёзиб қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, "Давлат тили ҳақида"ги қонун миллий тикланишимизга сиёсий тус берди. Чунки, тил мустақил хулуд, мустақил иқтисодиёт ва бетакор маънавий омишлар билан биргаликда миллиятини ифода этади. Шу қонун тўғрисида мустақиллик йилларида ўзбек тили мамлакат миқёсидаги йирик тадбирлар, расмий-сиёсий анжуманлар, тантаналар тилига айланди. Давлат миқёсида барча иш юритиш ҳужжатлари ўзбек тилига кўчирилди. Республикада ўзбек тилининг давлат мақомига эришуви билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун махсус Давлат атамашунослик қўмитаси ташкил этилди. Вилоятлар, шаҳарлар, туманларнинг ҳокимликларига "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг бажарилиши юзасидан назорат ўрнатиш, зарур чора-тадбирлар кўриш бўйича топшириқлар берилди.

Маълумки, мамлакатимизда топонимик номларни тартибга солиш "Давлат тили ҳақида"ги қонунда кўзда тутилган вазифалардан бири эди. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилнинг 31 май кунини "Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли яшаш жойларида, ташкилотлар ва бошқа топонимик объекتلарнинг номларини тартибга солиш тўғрисида" фармойиши қабул қилиниб, унинг ижроси бўйича юртимизнинг топонимик хартиси миллийлаштирилди.

Жаҳон тиллари ҳамиша ўзаро таъсир ва ўзаро алоқада ривожланади. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий ва маънавий ҳамкорлигининг ортиши, она тилимизнинг раванки, маъно ва ифода қўламларини кенгайтирувчи омиллардандир. Бугун тилимизда интеграция, фермер, менежер, маркетинг, бизнес, акция, акция ва ҳақоза хорижий иборалар пайдо бўлаётганлиги фикримизнинг далили бўла олади.

Мамлакатимизда кечаётган бундай ислохотларнинг асосий мақсади ҳалққа, миллатга эътиборни оширишдир. Зотан, ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек "Тилга эътибор-элга эътибор"дир...

Гулчехра РАЗЗОҚОВА,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОХДЖЛК Департаментининг
матбуот гуруҳи бош инспектори

"Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2009 йил 9 сентябрда матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

Мазкур Қонунга асосан амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддаси номи ва диспозициясига қўшимчалар киритилиб, тахриран ўзгаририлди.

Амалдаги Жиноят кодексининг 227-моддаси "Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш" деб номланар эди. Янги қабул қилинган Қонунга асосан ушбу модда номи "Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, автомобилотранспорт воситаларининг давлат рақам белгиларини эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст

дир этилганларининг тезкор очилишини ва айбдорларнинг тегишли жиноий жазога тортилишини таъминлаш;

Бешинчидан, юридик шахслар ва фуқароларнинг ўз автомобилотранспорт воситаларининг давлат рақам белгиларига нисбатан масъулиятини оширишдан иборатдир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлилларидан маълум бўлишича, 2006-2008 йиллар мобайнида автомобилотранспорт воситалари давлат рақам белгиларининг гайриқонуний равишда эгалланиши билан боғлиқ 4,3 минг ҳолат, шу жумладан 2006 йилда 1,3 минг, 2007 йилда 1,4 минг ва 2008 йилда 1,5 мингта ҳолат қайд этилган. Бу рақамлар автомобилотранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари) давлат рақам белгиларининг йўқотилиши билан

АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ДАВЛАТ РАҚАМИНИ НОҚОНУНИЙ ЭГАЛЛАШ, НОБУД ҚИЛИШ, ШИКАСТ ЕТКАЗИШ ЁКИ ЯШИРИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ

етказиш ёки уларни яшириш" деб тахриран ўзгаририлди, яъни "автомобилотранспорт воситаларининг давлат рақам белгиларини" деган жумлалар қўшилди.

Шу билан бирга мазкур модданинг диспозициясига "Шунингдек автомобилотранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини" деган жумлалар киритилди ва "Корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларнинг қатъий ҳисобидagi ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, шунингдек автомобилотранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, худди шунингдек уларни нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш гаразтўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилган бўлса" деб тахриран ўзгаририлди.

"Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилишдан асосий мақсад:

Биринчидан, автомобилотранспорт воситаларининг давлат рақам белгиларини ноқонуний эгаллаганлик, нобуд қилганлик, шикаст етказганлик ёки яширганлик учун жиноий жавобгарлиқни белгилаш орқали амалдаги жиноят қонунчилигидаги қамчилик (бушлук)ни бартараф этиш;

Иккинчидан, юридик шахслар (корхона, муассаса ва ташкилотлар) ва жисмоний шахслар (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар) ўз мулкига, яъни автомобилотранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари(ярим тиркамалари)га нисбатан бўлган ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

Учинчидан, Ўзбекистон ҳудудига четдан олиб қирилган (божхона тартиб-қоидаларига амал қилиш орқали контрабанда жиноятларининг олдини олиш мақсадида) ёки юртимизда ишлаб чиқарилган ҳамда мамлакатимизда яшовчи шахслар томонидан харид қилинган ҳар битта автомобилотранспорт воситаларининг тегишли давлат муассасалари томонидан рўйхатга олиншини ва уларга давлат рақам белгилари берилишини, шунингдек автомобилотранспорт воситаларига берилган давлат рақам белгиларини қайд этиш, юритиш ва сақлашнинг амалдаги тартиб-қоидаларига тўлиқ амал қилинишини таъминлаш;

Тўртинчидан, автомобилотранспорт воситаларининг давлат рақам белгиларини ноқонуний эгаллаш, нобуд қилиш, шикаст етказиш ва яшириш билан боғлиқ жиноятларни, шунингдек ўзга автомобилотранспорт воситаларига тегишли давлат рақам белгиларини ноқонуний эгаллаб бошқа оғир жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, со-

боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг йил сайин ошиб бораётганлигини кўрсати.


Ушбу ҳолатлар ўрганиб чиқилганида, автомобилотранспорт воситаларига тегишли бўлган - техник паспорт, лицензия, мишоннома ва гувоҳнома каби ИИБ муассасаларида қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатларни ноқонуний эгаллаганлик, нобуд қилганлик, шикаст етказганлик ёки яширганлик амалдаги Жиноят кодексининг 227-моддасида назарда тутилган жавобгарлиқни келтириб чиқарар эди. Лекин автомобилотранспортнинг давлат рақам белгисини ноқонуний эгаллаганлик, нобуд қилганлик, шикаст етказганлик ёки яширганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланмаганлиги сабабли шу каби ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслар жавобгарликка тортилмаётганди. Янги Қонун қабул қилиниши билан амалдаги жиноят қонунчилигида мавжуд бўлган бўшлиқ бартараф этилди.

Хорижий давлатларнинг автомобилотранспорт воситалари давлат рақам белгиларини ноқонуний эгаллаш билан боғлиқ жиноят қонунчилиги ўрганиб чиқилганда, Россия Федерацияси ва Беларусь Республикаси Жиноят кодексларининг 326 ва 381-моддаларида "Транспорт воситаларининг идентификация рақамларини қалбақлаштирилганлик ва йўқ қилганлик" учун, Арманистон Республикаси Жиноят кодексининг 325-моддасида "Транспорт воситалари давлат рақамларини қалбақлаштирилганлик, ўтказганлик ва фойдаланганлик" учун жиноий жавобгарликлар белгиланганлигининг гувоҳи бўлади.

Хулоса қилиб шунини таъкидлаш лозимки, "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизда автомобилотранспорт воситаларининг давлат рақам белгиларини ноқонуний эгаллаганлик, нобуд қилганлик, шикаст етказганлик ёки яширганлик билан боғлиқ жиноий ҳодисалар содир этилишининг олдини олишга ва бу орқали юридик ва жисмоний шахсларнинг автомобилотранспорт воситаларига нисбатан бўлган мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, автомобилотранспорт воситаларига берилган давлат рақам белгиларини қайд этиш, юритиш ва сақлашнинг амалдаги тартиб-қоидаларига тўлиқ амал қилинишига, шунингдек юридик шахслар ва фуқароларнинг ўз автомобилотранспорт воситаларининг давлат рақам белгиларига нисбатан бўлган масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Ўқтам ХАМРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти етакчи илмий
ходими

Ривоятда айтилишича, бир осий бандага уч шарт қўядилар: бир кўза шаробни ичиш, помах-рам аёл билан зино қилиш ёки ана шу аёлнинг порасида боласини ўлдирish. Ийигит бу шартлар ичида осироғи деб шаробни симиради. Оқибатда маст бўлиб қолган ийигит аёл билан зино қилади, сўнг болани бўғиб ўлдирди...



ҚОТИЛ ЧЎПОН

умрбод озодликдан маҳрум этилди

Қизилтепа туманида бўлиб ўтган қонли воқеа беихтиёр ана шу ривоятни эсга солиди. Одам қиёфасидаги ваҳший бир оиланинг уч аъзосини бир кунда тириклик дунёсидан фожияли тарзда жудо қилган...

Муродулло Ғозиев 33 ёшга тўлган. Оилали, 4 нафар фарзанднинг отаси. Тумандаги "Ғолиб Бехруз" фермер хўжалигида чўпон бўлиб ишлаган. Ўтқинчи ҳою-ҳавасларга берилган Муродулло 2007 йил ноябрь ойидан бошлаб, "Оқ олтин" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудлиги "Милтиқчи" маҳалласида яшовчи, икки фарзанд-

нинг онаси Моира Шукурова билан ҳам никоҳсиз эр-хотин бўлиб яшай бошлаган.

Моира Шукурова Зарина исмли қизи ва Достон исмли ўғли билан бирга яшаган.

2009 йил 23 январь кун Муродулло Моирага кўнғироқ қилиб, унинг уйига боришини айтиди. Шу кун соат 15.00 ларда аёлнинг уйига бориб, у билан биргаликда овқатланиди, спиртли ичимлик ичишади.

Ўтириш пайтида Моира Муродуллога ўз тақлифини айтиди:

- Энди оиланг билан ажрашиб, мен билан никоҳдан ўтиб яшайсан.

Бу гапни кутмаган Муродулло шовиб қолади. Сўнг бунга асло рози эмаслигини, оиласидан воз кечолмаслигини, ўртада 4 фарзанди борлигини айтиди.

Шунда Моира ўзининг қалтис шартини ўртага қўйди:

- Унда ўзингга қийин бўлади. Менинг пулим, танишим кўп. Бирор бойваччага вояга етмаган қизимни қўшиб қўяман. Унинг ифратига сени тажовуз қилди, деб тўхмат уюштирман. Шу йўл билан сени қаматиб юбораман. Оиланг, фарзандларинг мени қизиктирмайди.

Моиранинг бунчаликка боришини кутмаган Муродулло хангманг бўлиб қолади. Моира ўртага қўётган шартининг бутун дахшати онгу шуурига етиб боргач, асабийлашиб ташқарига чиқиб кетди. Ташқарида бир муддат қолиб Моиранинг тақлифини ўйлайди. Ва уни ўлдиршини кўнглига тугиб, хонадонга қайтиб қиради.

- Каерга ҳам бора эдинг, кел, ўтир, - дея қарши олдди уни Моира. Муродулло графиндан ўзига ва Моирага ароқ қўйди. Бир кўтаришда рюмкани бўшатди. Сўнг рюмкани яна тўлдириб дивандада ётган Моиранинг бош учига қўйди.

Маст бўлиб қолган аёл хушёрлигини йўқотган эди. Ўзининг ёвуз ниятини амалга ошириш учун энг қулай пайт кутаётган Муродулло жазманининг елкасини уқалаш баҳонасида уни маҳкам ушлаб бўйига пичоқ тортиб юборди...

Қўлида пичоқ билан чиқиб кетаётган Муродулло дахлизда Моиранинг ўғли ва қизига дуч келди. "Тувоқ қолдириш керак эмас!" халладан шу фикр ўтган қотил аввал Заринанинг, сўнг Достоннинг юрагига пичоқ санчди.

Бу билан ҳам қаноатланмаган қотил марҳума ётган хонага қайтиб кириб, унинг тилла тақинчоқлари, иккита уяли телефонини олиб, девордан ошиб, кўчага чиқди.

Пичоқни каналга ташлаб юборди. Пичоқ қинини ҳам дуч келган жойга ташлайди. Уйига келганида барча ухлаб ётган эди. Эгнидеги қон теккан кийимларини ечиб, тандирга солиб ёқиб юборди...

Эртаси кун бозорга боради. Бозордан қайтиб келиб, турмуш ўртоғига бир жуфт тилла халқа, бир дона узук, бир дона аёллар тилла соатини "совга" қилади.

Шу куникё Муродулло чўпон яйловига жўнаб кетди.

Олиб боришган тезкор-қидирув ишлари натижасида 2009 йил 30 январь кун Муродулло Ғозиев ички ишлар ходимлари томонидан ушланган, туман ИИБга олиб келинади. Дастлабки тергов ва суд мажлисида Муродулло Ғозиев ўзи содир қилган жиноятларга тўла иқдорлик билдириди.

Суд томонидан судланувчи М.Ғозиев Ўзбекистон Республикасининг ЖКнинг 97-моддаси 2-қисмининг "а", "в", "ж", "и", "о" бандларида қўрсатилган жиноятларни содир этганилида айбдор деб топилиди ва унга нисбатан умрбод озодликдан маҳрум этиш ҳароси тайинланди.

Тубанлик ботқоғига ботган кимсанинг ақлини жирканчлик тўсиб олиб, уни ёвузлик сари етаклади. Ичкиликка кул бўлган Муродуллонинг қилмиши ва аянчи тақдир кимгадир сабоқ бўлиб, хушёрликка чорласа, ажаб эмас.

Бахрулло КАЗАКОВ,
Қизилтепа туман прокурори

Ичкилик тўғрисида шайтон васвасига учиб, турли хил жиноятларга қўл урган кимсалар орамизда учраб туради. Қўйидаги ҳикоямиз "қаҳрамони" Ҳамдам Расулов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ана шундайлар тоифасига қиради. У ичкиликка берилиш натижасида биринчи турмушидан ажрашгач, Дилрабо исмли қизга кўнғил қўйди.

Декабрнинг изғирин кунларидан бағри. Дилрабо билан учрашган Ҳамдам уни қаёғга тақлиф қилди.

- Нима буюртма берай, кўнглингиз нимани хуш қўради, - мулозимат билан сўради Ҳамдам.

- Хоҳишингиз, менга барибир.

- Бўлмаса, бундай! Кўнглинг соғувида қуюқ овқат яхши, - Ҳамдам шундай деб официантга буюртма бераётган экан, "бир шиша вино ҳам ола келинг", деб қўшиб қўйди.

Таом келгач, Ҳамдам боқалларга винодан қўйди-да, биттасини Дилрабога узатди:

- Манавундан жиндек ичиб олсангиз, жонингизга оро қиради.

- Йўқ, йўқ. Умримда ичмаганман.

- Ие, бу кунни фойда-ку! Тиббиёт ҳам бу фикримни тасдиқлайди, - Ҳамдам шундай дея уни ичишга ундай бошлади.

Дилрабо ноилж винодан хўплади-ю, ўқиб юборди. "Ҳозир ўтиб кетди, манави ширинликдан олинг", деди йиғит унга ғам-хўрлик қўсатиб.

Бироз сўхбатлашиб ўтиришди. Гап мавзуси айланиб, турмуш масаласига тақалгач, Ҳамдам бироз жим турди-да:

- Дилрабо, бир-биримизни анчадан бери синаб, учрашиб юрибмиз. Сизни жонимдан ортик қўришганимни яхши биласиз, - деди секингина. Сўнг яна бир нима демоқчидай оғиз жуфтлади-ю, қаловланиб, жим қолди.

Дилрабо қўлоғи сизда дегандай, қўзларини жовдиратиб унга қараб тураркан, йиғит сўзида давом этди:

- Анчадан бери сизга бир гапни айтмоқчи бўлман-у, сира улдасидан чиқолмайман. Нима десам экан? Хўллас, мен бир марта ўйлانганман. Фарзандим ҳам бор. Хотинимнинг суяқоёқлигини сезиб қўлиб, ажрашганман, - деди қўққисдан.

Бу гапни эшитган Дилрабо баланига совуқ сув қўйилгандай, сесканиб кетди-да, жон ҳолагат:

- Унда мени шунча вақтдан бери алдаб юрган экансиз-да, - деди жаҳл билан.

- Алдаш ниятим бўлганида сизга ҳозир ўтмишим ҳақида очиқ-ойдин айтиб ўтирмасдим. Агар энди мен ҳақимда фикрингиз ўзгарган бўлса, унда ўзингиз биласиз.

Дилрабо чуқур ҳўрсинди:

- Сизни тушунамди. Ахир бир умр бирга бўламиз деб, ахдлашганмиз-ку. Мен-ку, сизни тушуниб турибман, аммо уйдагилар бунга

қандай қарашаркан?

- Бўёғи ўзингизга боғлиқ. Агар мени ҳақиқатдан ёқтирсангиз уйдагиларингизга ҳаммасини ётиги билан тушунтирасиз-да!

Дилрабонинг ўйчан нигоҳлари ер чизди. У Ҳамдам билан қайлашаркан, ҳаёлида минг бир ўй ғалаён қиларди.

Дастлаб Дилрабонинг уйдагилар унинг Ҳамдам билан турмуш қўришига тиш-тирноғлари билан қарши туришди. Аммо икки ёшнинг қарори қатъийлигини қўриб, ота-она ноилж тўйга розилик билдиришди. Куёв томоннинг тўй қилишга қурби етмаслиги боис, барча харажатларни келин томон ўз гардани-

КАСОФАТ

га олди. Ҳаёти дастлаб бир текис ва осуда кечди. Кўп ўтмай дунёга келган қизалоқ уларнинг бир-бирига бўлган кўнғил ришталарини янада мустаҳкамлади. Дилрабонинг хунари бўлганлиги боис, уй юмушларидан ортиб, чеварлик қилиб, пул топа бошлади. Аммо нима бўлди-ю, оила тинчлиги аста-секин бузилиб, издан чиқа бошлади. Тўғрироғи, тайинли бир ишнинг бошини тутмаган Ҳамдам эски хунарини "касб қилиб", қунора ичиб келадиган, жанжал кўтарадиган олат чиқарди. У бора-бора аёлининг топган пулига ҳам ароқ олиб ича бошлади.

Бир кун тун ярмидан оққанида ғирт маст бўлиб келган Ҳамдам эшикни зарб билан тепиб, "эшикни тез очсанг ўласанми", деди зарда билан хотинига. Ичкарида ухлаб ётган қизчаси чўчиб тушиб, чинқириб йиғлаб юборди. Дилрабо ўзини тутиб туролмади:

- Қачонгача мана шундай маст бўлиб, сандирақлаб юрасиз. Уззу-кун ичиб келиб, жанжал қилганингиз қилган. Оиламиздан фойз-баракча ҳам кўтарилаётти.

- Ие, ишлаб пул топмаганимни энди юзмага сояласанми-а? Ўв, менга қара, сен ўз хоҳишинг билан менга теккансан. Энди ёқмай қолдимми?

- Тушунамди, нима демоқчисиз бу билан, - деди Дилрабо тутқиб.

- Яхши тушуниб турибсан. Агар янашши хоҳламасанг, ана катта кўча, - деди бақириб.

Дилрабо ўзини ичкарига урди ва қизаловини бағрига босганича тўйиб-тўйиб йиғлади. Уйига борай деса, ота-онаси ўзинг севиб теккансан, деб юзига солиши аниқ. Бунинг устига онасининг соғлиги ҳам яхши эмас. Унинг сабр қилиб яшашдан ўзга чораси қолмаган эди.

Ҳаёт чархпалаги шу зайл айланаверди.

Дилрабонинг Яратқандан эрига инсоф тилашдан ўзга чораси қолмаганди. Афсуски, унинг охи тўрт девор ичидан ташқарига чиқмади. Шундай кунлардан бирида эри яна ичиб келиб, эски томошасини бошлади. Аёлининг калтак зарбидан қўқмаган жойи қолмади. Хар нарсанинг чегараси бўлганидек, охири унинг ҳам жони халқумига келди. Индамай қизчасини олди-да, отасиникига кетиб қолди.

Ароқнинг кайфи тарқаб, ҳушига келган Ҳамдам ҳайҳотдек уйда ёлғиз ўзи қолганини қўриб, қилган ишидан пушаймон бўлди. Эртасига хотинини олиб келиш мақсадида қайнотасиникига йўл олди. Салим ака даст-

лаб, "Менга ичадиган куёвнинг кераги йўқ", деб уни уйдан ҳайдаб чиқарди. Аммо Ҳамдам қилган ишидан пушаймонлигини айтиб, бундан бўён захри қотилини зинҳор қайта оғизга олмасликка сўз бергач, қуёвни кечирди.

Орадан кунлар, ойлар ўтди. Саратон поёнига етиб, ён-атроф хазонга бурканган кунларнинг бирида Дилрабо эрига юзланди:

- Даласи, ота-онаминг ҳолидан хабар олганимизга ҳам анча бўлди. Уйга бориб келмоқчи эдим.

- Майли, ўзинг биласан...

Кун ярмидан оғди ҳамки, Дилрабадан ҳадеганда дарак бўлмади. Бир ўзи уйда сиқилиб кетган Ҳамдам хотинини олиб келиш баҳонасида кўчага чиқди. Йўл-йўлакай мағозадан бир шиша ароқ сотиб олди. Бироз айланди юргач, кеч соат 20.00ларда Дилраба-лариникига кириб борди. Уйда ҳамма ўз юмуши билан овора. Қайнотаси қариндошининг уйини таъмирлашда ёрдам бериш учун чиқиб кетган экан. Кечки дастурхон ёзилгач, Ҳамдам олиб келган ароқнинг ўртага қўйди. Хотинининг қаршичилигига қарамадан уни бир ўзи ичиб, маст бўлди.

Бироздан кейин телефон жингиллаб, Дилрабадан Россияга ишлагача кетган акаси кўнғироқ қилиб қолди. Фоти-ма ая ўғли билан гаплашиш учун ташқарига йўналаркан, унинг ортидан қизи Сарвиноз ҳам эргашди. Дилрабо

бир бурчакда ухлаб қолган қизчасини ўрнига ёққизиш мақсадида секин қўнчи хона томон йўналди. Бироздан сўнг ниманидир ахтариб, ошхона томон чиқиб кетди. Ҳамдам дарҳол унинг оқрасидан кириб борди:

- Дилрабо, юр уйга кетайлик. Кун ҳам алламахал бўлиб қолди.

- Ҳозир. Хар доим мен уйга озиб-ёзиб бир келганимда кетамиз, деб туриб олмасиз. Даламни анчадан бери қўрмаганман.

- Биласан, отанг ичганимни ёқтирмайди, бу аҳолимни қўриб менга дашмон бериши аниқ. У келмасдан кета қолайлик...

Дилрабо қўнмади. Эри у деди, хотини бу деди, икки орада даҳнаки жанжал бошланди. Ичкилик тасис-рида ўзини бошқара олмаган Ҳамдамнинг стол устидаги пичоққа қўзи тушди ва уни қандай қўлга олди-ю, қандай Дилрабога ташлаб, унга кетма-кет зарба бера бошлади, билмай қолди. Дилрабо ерга йиқилган-

дагина хуши ўзига келди. Атрофга аланг-жанжал қилганча, ўзини ташқарига урди. Бақир-чақирдан хавотирланиб, ошхонага кирган Сарвиноз опасининг қонга беланиб ётганини қўриб чинқириб юборди. Вақтида қўрсатилган ёрдам тўғрисида Дилрабонинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Суднинг қора курсисидан ўтирган Ҳамдам ўзини оқлаш мақсадида ичган вақтида ўзини бошқара олмаслигини, шу сабабли нима қилиб қўйганини аниқла олмаганини, хотинини ўлдириб нияти йўқлигини қайта-қайта такрорлади. Шунинг инобатида олиб унга енгиллик беришларини сўради. Аммо ҳар ким ўз қилмишига яраша жазосини олиши шарт. Оқил суд ўз ҳукмини ўқиди. Жиноятчи ўз айбига яраша жазосини олди.

М.АБДУХАКИМОВ,
Каттақўрғон туман прокуратураси терговчиси
А.МУСТАФОЕВА,
«Huuq» мухбири



ГАЗЕТАДА ЧОП ЭТИЛГАНДАН СЎНГ...

"Сайловим ёки тайинлов"
Едингида бўлса, "Ният"нинг 4 июнь 23-сониди (мухбир И.Иброҳимовнинг) "Сайловим ёки тайинлов" номи таъқиқий мақоласи эълон қилинган эди. Унда айтиб ўтилган ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида тахририят мақола юзасидан Фарғона вилоят ҳокимлигига мурожаат қилган эди. Ушбу мақола юзасидан Фарғона вилоят ҳокимлигининг жавоби олинди.

Жумладан, жавоб хатига: "Ўрганиш натижалари ҳақиқатан ҳам, Фарғона шаҳар ўрамадаги 63-сонли Ибн Сино номи маҳалла фуқаролар йиғинида 2009 йил 16 май кўни маҳаллага раис сайлаш учун ўтказилган фаоллар ва вакиллар йиғилишида айрим камчилик ва ҳатolikларга йўл қўйилганини кўрсатди. Фарғона шаҳар ҳокимлиги томонидан мазкур маҳаллада "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуни талаблари асосида қайта сайлов ўтказиш лозимлиги белгиланганини кўрсатди. Фарғона шаҳар ҳокимлиги юзасидан оқсоқолантириш берилди", деб ёзди Фарғона вилоят ҳокимлиги таъқиқий назорат гуруҳи раҳбари Ф. Муродов.

"МУРОЖААТ ҚИЛИШГА МАЖБУР БЎЛДИК..."

(*"Ният"*, 2009 йил сентябрь, 36-сон)

"Мададталаб мактуб" руқни остида чоп этилган ушбу мактубга ҳам уйдаги мазмундаги жавоб хати олинди:

"Сирдарё вилояти Янгйер шаҳри "Наврўзобод" маҳалласида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар номидан тахририятга мурожаат қилган А. Мавлонбековнинг юқориди сарлавҳа билан чоп этилган мададталаб мактуби Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Янгйер шаҳар ҳокимлиги ҳамда газ филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ходимлари томонидан ариза чиқарилишига ўрганиб чиқилди.

Аризачининг шикоят хатига келтирилган эътироз, яъни жорий йилнинг 28 июлида "Наврўзобод" маҳалласига etkazиб берилган табиий газнинг узиб

қўйилиши асоси бўлиб, бу мавжуд газ тармоқларини 2009-2010 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш учун таъмирлаш ишлари билан боғлиқ бўлган.

Куз-қиш мавсумига тайёрларлик режасига кўра, мавжуд газ тармоқлари, газ тақсимлаш қурилмаларини мукамал ва жорий таъмирлаш давомида "Ховос" газ тақсимлаш станциясида Ховос туман ҳокимлиги билан келишилган ҳолда "Тумангазтаъминот" идораси томонидан жорий йилнинг 24-30 июль ва август ойининг 4-7, 12-13, 18-21 ва 27-28 кунларида ҳамда сентябрь ойининг 4-6 ва 7-кунларида жад-

вал асосида газ таъминоти тўлиқ тўхталган. Белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишида туман газ таъминоти идораси томонидан биринчи навбатда маҳалла фуқаролар йиғини раислари, туман прокуратураси ва бошқа тегишли идоралар хабардор этилган.

Газ филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси томонидан мазкур ҳудудда иситиш мавсумига қалар белгиланган чора-тадбирларнинг тўлиқ бажарилиши назоратга олинган.

З.ҚАШИБОВ,
вилоят ҳокимининг ўринбосари

"ЭГАСИ НОМАЎЛУМ ХАТЛАР"

ТАСДИГИНИ ТОПМАДИ

Ўртачирчиқ тумани "Қумовул" қишлоқ фуқаролар йиғини, Орлов қишлоғида яшовчи В.Логонова ва бошқаларнинг "Халқ банки" Ўртачирчиқ тумани филиали томонидан пенсия ва нафақа пулларининг ўз вақтида тўланмаётганини ҳақиқати аризаси кўриб чиқилди.

Аниқланишича, "Қумовул" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи аҳолига 2009 йилнинг август-сентябрь ойлари учун пенсия ва нафақа пуллари тўлов ведомостлари орқали тўлиқ тарқатилиши таъминланган. Жумладан, сентябрь ойи учун 275618 минг сўм пенсия ва нафақа пуллари жорий йилнинг 29 сентябрь кўни тўлиқ тарқатилган.

Ю. ГОЙИПОВ,
Тошкент вилоят прокуратурининг ўринбосари

АНОНИМ ДЭБ ТОПИЛДИ

Сурхондарё вилоят Денов тумани Ш. Қобилов СФУ "Ўртақишлоқ" маҳалласида яшовчи фуқаро С.Мўминовнинг маҳалла аҳолисининг табиий газ ва ичимлик суви муаммоси билан қўйналаётганини тўғрисидаги аризасига Денов туман прокуратураси томонидан жавоб берилди.

Аризада кўрсатилган ҳолатларга оидинлик киритиш мақсадида фуқаро С. Мўминов билан суҳбатлашилганда, у ўзини Мўминов Мамаасид эканлигини, унинг номидан тахририятга ёзилган аризадан умуман хабари йўқлиги, шунингдек имзо уни қи эмаслигини билдирган.

Баён этилган ҳолатларга асосан ариза Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунининг 6-моддаси талабига кўра аноним деб топilib, кўриб чиқилмасдан қолдирилди.

А. НИЯЗОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратурининг

СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШИ ТУШУНТИРИЛДИ

Пастдарғом тумани "Аризон" ҚФЙга қарашли Работ маҳалласида яшовчи фуқаро Х.Ҳамдамовнинг уй-жой олишда ёрдам сўраб тахририятга қилган мурожаати Пастдарғом туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, фуқаро Х. Ҳамдамовга Пастдарғом тумани, "Аризон" қишлоқ фуқаролар йиғинининг 1989 йил 20 сентябрдаги №32/9-сонли қарорига асосан 0,06 га ер участкаси ажратиб берилган. Лекин шу кўнга қалар Ҳамдамов Холмурот томонидан ушбу ер участкасига уй-жой қурилмаган.

2009 йилнинг ёз ойида фуқаро Холмурот Ҳамдамовнинг акиси Холмўмин Ҳамдамов томонидан ушбу участкага уй-жой қуриш учун 4х10 метр ўлчамда 3-хонали уйга мўлжаллаб пойдевор қўйилиб, девор қилинган. Ушбу ер участкаси фуқаро Ҳамдамов Холмурот еки унинг акиси Ҳамдамов Холмўминга тегишлилиги ҳақида ҳозирги кўнга қалар туман ҳокимлигининг қарори чиқарилмаганлиги сабабли низоли масала юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Пастдарғом туман судига мурожаат қилиши мумкинлиги ҳақида тушунтирилди. Ш. худойкулов, Пастдарғом туман прокурови

...ЭЪТИРОЗИ ЙЎҚЛИГИНИ БИЛДИРДИ

Фориш туман прокуратураси томонидан Фориш тумани халқ таълими бўлимига қарашли 73-сонли умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ф.Гулибевнинг мактаб ҳисоб-ҳисоби Ж.Бегматовнинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб тахририятга йўлаган аризаси ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Фориш тумани халқ таълими бўлимига қарашли 73-мактаб ҳисобчиси Ж.Бегматов ўқитувчи Ф.Гулибевнинг ёзма розилигини олмасдан таътил пулидан 30 фоизини унинг пластик карточкасига ўтказиб юборган. Ушбу ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан 2009 йил 15 августда ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаган мактаб ҳисобчиси Ж. Бегматовга нисбатан интизомий жавобгарликка доир иш қўзғатилган. Шунингдек, текшириш давомида фуқаро Ф. Гулибевдан ҳолат юзасидан тушунтириш хати олинганда ҳисобчи Ж. Бегматов

унинг ёзма розилигини олмасдан таътил пулидан 227334 сўмни унинг пластик карточкасига ўтказиб юборганлигини, Ж.Бегматовга ҳозирги яшаш шaroитини тушунтириб, август ойидан бошлаб иш ҳақларини пластик карточкага ўтказмасдан, тўлиқ нақд пулда олишга келишганлигини, шунингдек, туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишдан тўлиқ қаноат ҳосил қилганлиги ва бошқа эътирози йўқлигини билдирди.

М.ЭРАТОВ,
Жиззах вилоят прокуратурининг ўринбосари

"ДИЁНАТАИ" КИРАКАШЛАР

Алпийон вилоятида ишлаб юрган кезларимда Қашқадарёдан келаётган жияним кутиб олишимни иштимос қилиб, телефон қилди. Шу сабабдан мен унинг келиш вақтини чамалаб, йўлга чиқдим. Кутиш энг ёмон нарса. Ёни бошидан ўтказган одам жуда яхши билади. Шу сабабдан тўғриси, ундан бироз норози бўлдим. "Қўл телефони бўлса, бир оғиз хабар бериш қийинми?" Шундай дедим-у, аммо унинг учун хавотирга тушиб қолдим. "Ишқилиб, тинчлик бўлсин". Шу ҳаёллар билан уч-тўрт соат вақтни ўтказдим. Бир вақт йўловчилар орасидан кўзлари аланг-жалағ қилиб мени излаётган жиянимни кўриб, у томон юрдим. Унинг ишгамолик бери бўлиб турган кўзларини кўриб, ҳайрон бўлдим. Эсон-омон келганига шукр қилиб, уйга кетдим.

Хол-аҳвол сўрай туриб, "жиян, бир оғиз телефон қилиб қўйсанг буларди, хавотир олдим", дедим гина оҳангида. У ёса менинг шу сўзимни кутиб тургандай бўлиқ товушда тугилиб-тутилиб, гап бошлади:

— "Тошкент шаҳрининг Қўйлик туманидан «Нексия» русумли машинага чиқдим. Машинада шофёр ва унинг ёрдамчиси Аббос ака (у ўзини шундай таништириб), мен ва 2 та бухоролик савдогар аёл ҳам бор эди. Узоқ йўлни яқин қилишда суҳбатдошларининг ҳисаси катта бўлди. Шу маънода, Қўқон шаҳрига етгунча шофёр ва унинг ёрдамчиси ҳиёнат, разолат, ўғирликнинг оқибатлари, ҳақи-

миз ўртасида меҳр-оқибатнинг йўқлиб кетаётганлиги ҳақида куюнчаклик билан сўзлаб кетишди.

Шу орада Фарғона шахрита бурилган машина Рийстон туманига 2-3 қадирим масофа қолганида тўсатдан тўхтади. Не қўз билан қўрайлик-ки, йўл бўйи тинмай инсоф ҳақида гапириб келаётган шофёр ва унинг ёрдамчиси машинадан тушиб, дўқ-лўпсига билан савдогар аёлларнинг пуллари, тилда тақинчоқларини зуравонлик билан тортиб олишди. Менинг ҳам пулларим, қўл телефоним, соат ва чарм қўрткамни тортиб олишди...

Бу воқеа шунчалик тез содир бўлдики, мен ҳам, савдогар аёллар ҳам эсанкайраб қолдик, машинанинг

давлат рақамига қараш ҳаёлимизга ҳам келмабди."

Бу воқеа бугунги кўнда ҳеч ким учун янгилик эмас. Шу бонсдан бу нима демокчи яна, деган ўй ҳаёлимиздан ўтган бўлиши табиий. Мен шу ўринда "қарс икки қўлдан" деган иборани эслаб ўтишни жоиз билдим. Агар жияним йўлга тушиб олдилан машинанинг давлат рақамини ёзиб олганида бирон чора қўришининг имкони бўлармиди? Зеро, бугунги кўн ҳар биримиз ўзимиз учун керак бўлса, бир-биримиз учун эҳтиёткор бўлишимизни тақозо қилмоқда.

Ўрол НОРБОВ,
Тошкент шаҳри.

АРИЗАГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР ТАФОВУТЛАР АНИҚЛАНМАДИ

Иштихон тумани Жўра Махмудов маҳалласи 8-уй, 18-хонадонда яшовчи фуқаро Тўябова Гулза жорий йилнинг август ойида фойдаланмаган электр энергияси ва табиий газ учун иш ҳақидан пул ушлаб қолмаётганидан шикоят қилиб, тахририятга мурожаат қилган эди. Келинг, яхшиси, шу аризадан айрим жумлаларни келтириб ўтасан.

"...Ҳозир мен Иштихон туман тиббиёт коллежида кутубхоначи бўлиб ишлайман. Ҳар ойлигимиздан газга, светга деб пул ушлаб қолишади. Ахир 2005 йилдан буён бизларда газнинг ўзи йўқ-ку.

2009 йилдан электр энергияси учун янги ҳисоблагичлар қўйилган. Аммо на свет, на газ учун тўлов ҳисоблагичларга қараб олинмайди.

Маҳалламиз аёллари йиғилишиб, газ идорасига, кейин ҳокимиятга борганимиздан сўнг январь, февраль ойининг охиригача газ берилди-ю, яна ҳар доимгидек тўхталди.

Маҳалла раисимиз 2008 йил ноябрь ойининг бошида ҳамма хонадонлардан "ўчмайди-ган свет линиясини ўтказамиз", дея пул йиғиб чиқди. Аммо на пулдан ва на ўчмайди-ган светдан дарак бўлмади." Ушбу шикоят хати Иштихон туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

"Аниқланишича, фуқаро Г.Тўябова 1996 йил 15 августдан Иштихон тиббиёт коллежига кутубхоначи вазифасига ишга қабул қилиниб, унга ўртача иш ҳақи миқдори 106.075 сўмлик ойлик маоши тайинланган. 2009 йилнинг ўтган 8 ойи даво-

мида унинг иш ҳақидан ўзининг аризасига асосан табиий газ тўлови учун 10600 сўм ушланб, "Иштихон тумангаз" филиали ҳисоб рақамига тўлов топшириқномаси асосида ўтказиб берилган. Мавжуд тўлов квитанциялари ва газ ҳисоблагич урсуналари солиштириш йўли билан текшириб қўрилганда 2009 йил 1 август кўнига қадар тафовутлар аниқланмади. Худди шунингдек, жорий йилнинг 8 ойи давомида унинг иш ҳақидан 60.600 сўм фойдаланган электр энергияси учун ушланган ва тўлов топшириқномаси асосида Иштихон туман "Электртармоқлари" корхонасининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилган.

Тўловларни таққослаш йўли билан текшириб қўрилганда, фуқаро Г.Тўябова 2009 йил 1 сентябрь ҳолатига хонадонда фойдаланган электр энергия ҳисобидан 2332 сўм қарздорлиги маълум бўлди.

Шунингдек, аризада Г.Тўябова ўзи ишлаб келаётган Иштихон тиббиёт коллежидан ногиронлик нафақасини ўз вақтида ололмаётганлигини билдирган. Ушбу ҳолат юзасидан Иштихон тиббиёт коллежи бош ҳисобчиси Л. Лапасовдан тушунтириш олинганда у ҳақиқатан нафақаларни etkazиб беришда бир мунча молйивий муаммолар бўлганлигини баён қилиб, ҳозирги кўнда мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасида банк муассасалари билан лозим чора-тадбирлар қўрилганлигини билдирди.

Аризада маҳалла фуқаролар йиғини раиси томонидан 2008 йилнинг ноябрь ойида электр энергия таъминоти йўлга қўйиш мақсадида нақд пул йиғиб олганлиги ҳақида келтирилган важи тасдиғини топмади."

Б. ЮСУПОВ,
Иштихон туман прокурови

Саҳифани Маъмура ДУСИРОВА тайёрлади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг жорий йил 27-28 август кунлари бўлиб ўтган ўн тўққизинчи ялпи мажлисида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятта эга бўлган бир қатор қонунийлар маъқулланди. 2009 йилнинг сентябридан ана шу қонунлардан бири - "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жа-

масдан етиштириш ва йиғиб олиш билан боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб, мамлакатимизда ўтган вақт мобайнида экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ ҳўжалик экинларининг қалада тўллаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиш юбориши, қўчатларга шикаст етказиш ҳолатларининг кескин олдини олишга қаратилган ташқиқ-

зарар етказилиши юзасидан 1600 та ҳолатлар аниқланган. Айниқса, бундай ҳолатлар Касби, Навбахор, Кармана, Мирзачўл, Янгибод, Тахтақўпир, Шовот, Пастдарғом, Юқоричирчиқ, Сардоба, Гиждувон, Поп, Бўз, Охунбоев, Қозирӣқ ва бошқа қатор туманлар тарқалган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокура-

бараваридан беш бараваригача миқдорда
жарима солиниши белгиланди.

Экинзорларни ёки кўчатзорларни ҳамма турдаги ҳаракатланувчи техника воситаларида босиб ўтганликда айбдор шахсларга эса энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима жазоси белгиланади.

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛДИ

вобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 104-моддасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда расман эълон қилинди ва кучга кирди.

Мазкур Қонуни мувофиқ Мазмурий жа-
вобгарлик тўғрисидаги кодекснинг экинзор-
ларни пайхон қилганлик, қишлоқ ҳўжалик
экинларининг далада ғўллаб қўйилган ҳо-
слига зарар етказганлик ёки уни йўқ қилиб
қўборганлик, қўчатларга шикаст етказганлик
учун жавобгарликни назарда тутувчи 104-
моддасига ўзгартишлар киритилиб, бундай
ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораси кучай-
тирилди.

Қайд этиш керакки, мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданок аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб-хўжиеларини қондириш мақсадида изчил исилохотлар амалга оширилмоқда. Айни вақтда бу боралдаги ишлар самарадорлиги кўп жихатдан даладаги хосидни нест-нобул қил-

лий-ҳуқуқий чоралар кўрилди. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Бирок, кўрилаган чора-тадбирларга қарамай, бу соҳадagi ҳуқуқбузарлик ҳолатлариغا барҳам берилганича йўқ. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги "Қишлоқ ҳўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кўчатириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 272-сон қароридa қайд этилганидек, қўплаб экинзорларнинг пайҳон қилиниши ва уларга зарар етказилиши фактлари мавжуд бўлиб, бу галла ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ҳосилининг анча миқдорда нобуд бўлишига олиб келмоқда. Шундай қилиб, ўтган давр мобайнида 2008 йилги қишлоқ ҳўжалик экинлари ҳосилининг пайҳон қилиниши ва уларга

турасининг маълумотларига кўра, экинзорларнинг пайдон қилиниши натижасида қишлоқ ҳўжалик экинлари ишлаб чиқарувчиларига 2005 йилда 55 млн. сўм, 2006 йилда 94,7 млн. сўм, 2007 йилда 59,1 млн. сўм ва 2008 йилнинг 9 ойи давомида 64 млн. сўм миқдориди зарар etkazилган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қоғонининг 104-моддасига ўзгартирилган ириштиш ҳамда бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни қўчатириш зарурати юзга келди. Эндиликда янги Қонунга мувофиқ, чорва моллар ёки паррандаларнинг ҳўжалик экинзорларини пайўн қилиши, қишлоқ ҳўжалик экинларининг далада тўпал қўйилган ҳосилига зарар етказиши ёки уни йўқ қилиб юбориши, қўчатирашига етказиши учун айбдор фўқароларга энг кам иш ҳўқининг бир бараваридан ортиб берилади, мансابلор шахсларга эса - уч

Башарти юқорида қайд этилган ҳуқуқбу-
риликлар маъмурий жазо чораси қўлланили-
нидан кейин бир йил давомиди тақрор со-
вир этилган бўлса, айбдор фуқароларга энг
ам иш ҳақининг уч барабаридан беш бара-
ригача, мансабдор шахсларга эса беш ба-
раваридан ўн барабаригача миқдорда жари-
а солишга сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Қонуннинг амалда самарали таътиб этилиши мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалик экинларининг таст-нобул қилмасдан етиштириш ва йнгиштириб олиш баробарида бу соҳадаги ҳуқуқбузликларнинг олди олинишига ҳамда маъсул шахсларнинг жавобгарлигини оширишга змат қилади.

Рахимжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти Бош илмий ходими,
юридик фанлар номзоди

Хар бир давлат ўз олдига қўйган максалдарига эришиш учун ўзига ҳақ ва мос бўлган ислохотларни амалга оширади. Бу ўринда мамлакатимизда электр энергетика соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳам жамият ҳаётида долзарб аҳамиятга эга. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси энергетикасини ислоҳ қилишнинг асосий максаллари сифатида иқтисодиётнинг барқарор фаолияти ва ривожланишини таъминлаш, электр энергиясини ҳосил қилиш ва истеъмол қилиш тежамкорлигини ошириш.

риш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш кўп жиҳатдан мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурсларидан қанчалик тежамли фойдалана олишга боғлиқ.

Юқорида билдирилган фикрларнинг инъикоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 24 июнда қабул қилинган ва Сенати томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Қону

а) электр энергиясини ишлаб
қаришда харажатларни камайти-
риш;

б) бу соҳадаги ташкилотлар молиявий аҳволини яхшилаш ва барқарор соҳаларда энергияни тежаш туғрисида имтиёзлар бериш, узатиш ва қўйиш бўйича янги қўчланиш бўёқларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш;

в) шу соҳа билан боғлиқ ҳолда қилининг кам таъминланган қатмларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

г) магистрал ва ҳудудий электр

ларини қаноатлантириш, истеъмолчиларнинг ҳудудий электр тармоқларидан тенг фойдаланишини таъминлаш, энергия ҳосил қилувчи қувватларни ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, модернизациялаш, ривожлантириш жараёнларига инвестициялар жалб қилиш ва ҳоказолар мустаҳкамланган.

Шу билан бирга, Қонунда махсус ваколатли давлат органлари ҳуқуқий мақоми, уларнинг ваколатлари, электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш, тақсим-

амалга оширилишига оид институционал, иқтисодий ва информациял механизмларнинг жорий этилиши тарафлари эканликлари белгиланган. Шунингдек, 1992 йил 14 февралдаги "Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги" энергетикасида давлатларро муносабатларни мувофиқлаштиришга оид Битим" қоидаларига кўра, электр энергетикасининг мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тизимидаги алоҳида ўрни, иштирокчи давлатларнинг ўзаро параллел равишдаги энергетик фаолиятлари устуворлиги

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

шунингдек, истеъмолчиларни сифатли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш кабилар десак, муболаға бўлмайди.

Давлат ваколатли органлари олди-га бу борада қўйилган муҳим вазифалар мамлакат электр энергетикаси тизимини барқдор ривожланишига эришиш, аҳолининг электр ва иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжларини ақтисодий қўлай ва тежамли шарт-шароитларда таъминлаш ва ҳоказолардан иборат. Zero, ушбу вазифаларнинг амалга ошириб борилиши иқтисодий ва ҳуқуқий ўсишда ўзининг ижобий таъсирини қўрсатишни таъин. Албатта, ушбу соҳанинг ривожланиши учун давлат тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, ушбу соҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосини яратиши лозим. Бошқача айтганда, давлат томонидан нафақат электр энергиясини ҳосил қилувчилар, балки уни истеъмол қилувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳам ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий нормалар тизимини қабул қилиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президент Исрол Каримов 2009 йил 13 февраль кунда бўлиб ўтган Визирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузада таъкидлаганларидек, Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган комплекс чоратadbirlардан бири бўлиб электро-энергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергияни тежашнинг самарали тизимини жорий этиш ҳисобланади. Шунингдек, мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини янада қучайти-

инини кўрсатиш мумкин. Ушбу Қонуни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш тўғрисида"ги Фармонида белгиланган фаолият йўналишларидан бирининг ижросини таъминлаш борасида қабул қилинган муҳим ҳуқуқий асослар. Таъкидлаш жоизки, Фаронда ушбу ислохотларнинг устувор йўналишлари сифатида биринчидан, энергетика тармоқларини монополиядан чиқариш тадбирларини амалга ошириб бориш; иккинчидан, соҳани давлат томонидан тартибга солиш даражасини пасайтириш; учинчидан, электр энергиясини сотиш соҳасида рақобат муҳитини яратиш; тўртинчидан, ҳўжалик юртувчи субъектларнинг электр узатиш линияларига боғланишлари учун тенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш; бешинчидан, энергетика тармоғининг йирик корхоналарини акциялаштириб бориш; олтинчидан, электр энергетикаси соҳасига хизмат қилувчи қўшимча ва ижтимоий соҳага оид корхона, ташкилотларни хусусийлаштириб бориш; еттинчидан, ушбу жараёнларга чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш ҳамда электр энергияси ҳосил қилиш, уни узатиш ва сотиш бўйича бошқарув тизимида бозор тамойилларини татбиқ қилиш қабул қўйилган.

Бундан ташқари, қабул қилинган мазкур Қонун соҳани ривожлантириш борасида мавжуд вазифаларнинг амалга оширилишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Чунончи:

д) ушбу соҳада давлат бошқарувини ривожлантириб бориш ҳамда махсус ваколатли давлат органларининг ҳуқуқий ҳолатини қонун йўли билан мустаҳкамлаш кабилардир.

Юқорида таъкидлаб ўтилган Фармонда белгиланган устувор йўналишлар мазмун-моҳиятига мос ҳолда қабул қилинган ушбу Қонунда муҳим қоида ва нормалар ўз аксини топган, десак муболаға бўлмайди. Жумладан, Қонунда белгиланган нормаларга кўра, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ҳудудий электр тармоқлари корхоналари хусусий операторга туман, шаҳар доирасида электр энергиясини соатишининг айрим масалаларини топшириши мумкин.

Бундан ташқари, Қонунда электр энергетикаси, электр энергияси, ягона электр энергетикаси тизими, электр энергетикаси объекллари, электр энергияси истеъмолчиси, магистраль электр тармоқлари ва ҳудудий электр тармоғи каби янги тушунчаларга таъриф берилган. Шунингдек, Қонунда электр энергетика соҳасидаги давлат фаолиятининг асосий йўналишлари белгилан берилган. Жумладан, Қонуннинг 4-моддасига биноан, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида давлатнинг электр энергетика хавфсизлигини таъминлаш, ягона электр энергетикаси тизимининг ишончли ишлаб туришини таъминлаш, истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эhtiёт

лаш, сотиш ва истеъмол қилиш масалалари алоҳида бобларда ўзифодасини топган. Шунингдек, электр энергияси истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Қонуннинг 28-моддасига асосан, илк бор қонун йўли билан истеъмолчиларга электр энергияси узатишни тўхтатиш ҳолати белгиланган. Унга кўра, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки унинг электр таъминоти корхонаси тегишли шартномада белгиланган режим бузилганда, ҳудудий электр тармоқларига электр қурilmалари ўзбېшмичлиги билан уланганда, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказилганда ёки ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда, фойдаланилган электр энергияси учун электр таъминоти шартномасида белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда истеъмолчига электр энергияси узатишни белгиланган тартибда тўхтатиши мумкин.

Албатта, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур Қонуни халқаро умумэтироф этилган нормаларга ҳам мос келади. Хусусан, МДХга аъзо давлатларининг 1998 йил 8 декабрда бўлиб ўтган ўн иккинчи парламентлараро Ассамблеясида 12-5-сонли қарор асосида қабул қилинган "Электр энергетикаси тўғрисида"ги маънавий Қонунга кўра, уни қабул қилувчилар томонидан энергиядан фойдаланишнинг самарали давлат сиёсатининг қўллаб-қувватлланиши, шунингдек, вишб сиёсатининг

энергия билан таъминлашга оид муаммоларни ижобий ҳал қилишдаги ўзаро манфаатдорликнинг мавжудлиги ва энергетик хавфсизлик ҳамда бу борда атроф муҳит муҳофазасининг муҳимлиги тан олинган. Қабул қилинган Қонундаги нормаларнинг юқорида келтирилган нормалар билан ҳамоханглигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Бундан ташқари, унда белгиланган нормаларни ҳорийий давлатларнинг шу соҳага оид қонунларида ҳам қузатиш мумкин. Жумладан, Россия Федерациясининг 2003 йил 26 мартдаги "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Федерал Қонунида электр энергетикаси соҳасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, ушбу соҳадаги махсус ваколатли давлат органларининг ваколатлари, шунингдек, электр энергетикаси субъектларининг ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашга оид нормалар мустаҳкамланган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки: "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Қонуннинг мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига таъсиқ этилиши нафақат электр ва атомқудрат энергетикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш борасида, балки шу соҳадаги ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишида ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Алишер ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Амалдаги
қонун ҳужжатлари мониторинги
институтининг етакчи илмий ходими

Бу сафар ҳам қуруқ қайтди.
— Нима бўлди?
— Бироз сабр қилинг, тўғри-
лаб бераман, деяпти.
— Икки йил алдаб юрган, та-
гин алдайми?
— Мана, тилхати бор-ку!

Саломатхон уйдагиларга шундай деди-ю, барибир пулини қайтариб олишига кўзи етмади. Танишларидан Жамилахон анча-мунча одами чўв туширганини эшит-
гач, қорагини ҳовучлаб, яна унга учради.

— Тўхмат қилманг, — энди у тўнни тескари қийди. — Уч юз минг олиб, қайтариб берганман.

— Тилхат-чи?
— Бошланишга кириб шарманда қилман, деб қўққитиб ёдиротгансиз. Ишдан ҳайлаб юборишдан қўқиб, ёзиб берганман.

Икки қўлда тутқазган пуллари яхшиликча қайтариб ололмаслигига ақли етган Саломатхон шаҳар ИИБ бошлиғи номига ариза ёзди.

Ушбу ариза бўйича суриштирув, тергов ҳаракатлари мобайнида бировларни алдаб пуллари ўзлаштиришни "касб" қилиб олган аёлнинг қилмишлари бирин-кетин фойда бўлди.

Жамилахон Қодирова қарийб ўн икки йилдан буён "Миллий банк"нинг Фарғона филиалида ишлар, сўнгги йиллари пул муомаласи бўлимининг етакчи мутахассиси лавозимига тайинланган эди. Қўлидан ўтаётган, банк газнаси орқали кирим ва чиқим қилинаётган миллионлаб сўм маблағлар аста-секин унинг эс-хушини ўғирлай бошлади. Бир йўлини қилиб ушбу маблағлардан "уриб" қолса, ўғил-қизларига уй-жой, машиналар олиб берса, шохона яшаса... Бироқ аниқ ҳисобдаги банк маблағларини "ўмариб" туришнинг охири вой. Ўзи шохид, бундай ишнинг чўви чиқиб, судланган банк ходимларини кўрган. "Пул ишлаш"нинг бошқача йўллари топиши керак.

Эллик ёшга қаралаган аёлнинг фикр-зиқри қай йўсунда бўлмасин, бойлик ортиришда бўлиб қолди. Фарғона шаҳрининг "Деҳқон бозори"да айланиб юрганида "луқма"нинг ўзи оёғининг остидан чиқди. Бир йилча аввал танишиб, синашга бўлиб қолган бозорчи аёл буюм бозорида янги қурилатган дўконлардан беришни олиш ниятидалигини айтиб қолди.

— Аммо озгина етмай турибди. Ҳар бир дўкон нархи ўн миллион сўм атрофида экан.

Жамилахоннинг хаёлида шум фикр тугилди.

— Етмаётган тўрт ярим миллион сўмни мен тўғрилаб бераман. Банкдан кредит оламан. Аммо, дўкондан тенг шерикликда фойдаланамиз.

Марҳабохон унинг шартига кўнди.

— Майли-да, опа, тезлашти-
ринг бўлмаса.

— Бор пулини менга беринг. Қолганини кредит қилиб мен кўшаман.

Марҳабохон Насретдинова унга 6 миллион сўмни келтириб берди.

— Мана, тўлаб қўйдим, — дея Жамилахон тўрт миллион беш юз минг сўм кредит олиш учун олдиндан пул тўлагани тўғрисидаги сохта чиптани пеш қийди. — Пулизи Банкидан савдо дўконлари қурилиши ҳисобига топшириб, қаватларини келтириб бераман.

Марҳабохон хотиржам бўлиб, янги буюм бозоридagi дўконларнинг қурилишига маблағ ўтказган тadbirkorлар қатори виллоят ва шаҳар ҳокимлигидаги йиғилишларда қатнаша бошлади. Йиғилишлардан бири тутаганидан сўнг виллоят ҳокимлигининг ушбу масала билан машғул ходимига учради.

— Бироз кечикибсиз, — деди у. — Ҳамма дўконларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилган. Бошқа дўкон қолгани йўқ. Энди кредитга

берилмайдим, сотилмайдим.

Марҳабохон дугонаси ишлайди-
ган банкка йўл олди.

— Кредит ҳужжатларини тўғри-
лаб қўйганман. Дўконлардан бири-
ни оламиз, — дея Жамилахон ёлгон-
ни ямламай ютди.

Бироқ вақт ўтиб борар, дўкон-
дан эса дарак йўқ эди. Жамилахон
опаси ҳар гал ваълани қуюқ қилиб,
яқин орада иш бошлашларига
ишонтирарди.

— Банкка истемол кредити кел-
ган. Уч миллион сўмдан қилиб
икки мартаба олиб бераман.

Марҳабохон ниҳоят унинг пуч
ваъдаларига ишонмай қўйди. Пул-
ларини қайтаришни талаб қилди.
Жамилахон бўлиб-бўлиб бир ярим
миллион сўмни қайтарди.

Яна уйига янги гап топиб кел-
ди.

— Машина олгани кредит аж-
ратилмапти. Уч юз доллар билан
ўғлингизнинг паспорти, ҳайдов-
чилик гувоҳномаси керак. Ярим
пули олдиндан тўланади. Ўзим

ларизи қилиб бердим-у, кредит-
нинг лимити тугаб қолибди, —
деди у. — Келаси ой янги лимит
очилади, ўшанга киритиб қўяман.

Бироқ "янги лимитнинг очили-
ши" ойдан ойга сурилаверди. Ора-
дан ярим йил ўтиб Жамилахон бо-
зорга бориб Саломатхонни яна ав-
ради.

— Кредитга мебел берилаяпти.
Бугун-эрта лимити тугайди. Ҳозир-
роқ уч миллион сўм топиб беринг.
Сизга мебел учун деб Бешболада-
ги магазин орқали пул олиб бера-
ман. Ой охирида кредит қўлингиз-
га тетади.

Саломатхонда бунча пул йўқ
эди. Бозордаги таниш-билишлари-
дан икки миллион етти юз минг
сўм йиғиб берди.

28-29 сентябрь кунлари банкка
борди. Жамилахон ҳар хил баҳо-
наларни рўқач қийди.

— Энди ҳайит байрамидан ке-
йин тўғрилаб бераман, — деб ав-
ради.

Ҳайитдан кейин яна "лимит

сўмни қайтарди. Қолганини ке-
йинроқ қилиб бераман, деб ишон-
тирди.

Акmalжон Ганиев тadbirkor
бўлиб, Жанубий Кореяга бориш
ниятига эди. Пулини валютага ал-
маштириш учун Миллий банк Фар-
ғона филиалига бориб Жамилахон-
га рўпара бўлди. У пулини 2200
долларга алмаштириб берди. Шу
тариқа синашга бўлиб қолишди.

— Агар пулизи бўлса, банкда ай-
тантириб, кўпайтириб олсиз, —
деди Жамилахон. — Фойзини олиб
турасиз. Айланттириб берганим
учун, фойзига шерик бўлман.

— Қандай қилиб айланттирасиз?
— Бўғини менга қўйиб бера-
веринг.

Акmalжоннинг авраб пуллари
келтириб беришга кўндирди. Ун-
дан ўн уч ярим миллион сўмни
санаб олди.

— Уйимда қурилиш қиялман,
— деди Жамилахон. — Ўзингиз
қилсангиз.

"Фойдалади иш" ҚАРМОҒИ



Акmalжон усталарни Ермозор-
даги ҳўлисига бошлаб келди. Бе-
тондан пойдевор қўйдирди. Девор
урдирди. Жамилахон ойма-ой бе-
риб турган "фойз"ларни қурилиш-
таъмирлаш ишларига сарфлади.
Унга уяли телефон олиб берди. Жа-
нубий Кореяга сафари ҳам қўлиб
кетди. Август ойининг охирида Жа-
милахон опа унга телефон қилиб
чақирди.

— Эрим Россияда ишлаётган-
ди, — деди. — Чўв тушибди. Қайтишга
ҳам пули йўқ. Беш юз доллар бе-
дид туринг. Жўнатмасам бўлмай-
ди.

Акmalжон унинг илтимосини
рад этолмади. Сўраган пулини бер-
ди. Бирга банкка бориб, "Вестерн
юнион" тизими орқали пулини
жўнатишди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Ак-
malжоннинг ўзига пул зарур бўлиб
қолди. Жамилахонга учраб 1200
доллар бериб туринг, деди.

— Ҳаляти пуларимнинг фой-
зини ҳам ўзинга олиб қолмай,
тўлиқ берамиз энди.

Жамилахон тўтоқиб жанжал
кўтарди.

— Пулариз банкнинг ҳисоб ра-
қамда, ечиб бўлмайди.
— Билмайман, бу сизнинг му-
аммонгиз. Топиб беринг, бир минг
икки юз доллар зарур.

Ноилож қолган Жамилахон айт-
ган пулини топиб берди. Шундан
сўнг Акmalжон ҳамма пулини қай-
таришни талаб қила бошлади. Жа-
милахон турли баҳоналарни рўқач
қилиб, қолган 8800 доллар миқ-
доридagi пулини қайтармади.

"Ишбилармон" аёлнинг юқори-
даги "ишлари" бошқа йирик "иши"
олидига ҳовла эди. У оиласи бил-
дан Янги Марғилон шаҳарчасидаги
кўпқаватли уйлардан бирида
яшарди. 1993 йили қариндоши
Қобил акани авради.

— Кексақай қолдиларинг, бу
ҳовлини нима қиласиз? Бизга со-
ғитинг.

Қобил аканинг бошқа уйи
бўлгани туфайли рози бўлди. Жа-
милахон Қодирова Қобил акага ўн
минг сўм келтириб берди.

— Қолганини квартирамизни
сотиб берамиз.

Шундай қилиб у Фарғона шаҳ-
ри, Ермозор маҳалласи, Шарша-
ра кўчасидаги ҳовли уйга кўчиб
ўтди. Ҳовли учун қолган ўн минг

сўм пулни квартирамизга харидор
чиқмаяпти, сотилмаяпти, дея
тўламай юрaverди. Қобилжон ака
пулини тўлиқ олгач, ҳовлини
унинг номига расмийлаштириб
бериш керак эди. Бироқ орадан
икки йил ўтиб вафот этди. Ҳовли-
уйининг олди-сотди шартномаси
расмийлаштирилмасдан қолавер-
ди.

Қобил аканинг қизи бир неча
марта қолган ўн минг сўмни
тўлашни талаб қилганида "квар-
тирамизни сизнинг номингизга
ўтказиб бераман", деб аллади.

2008 йил ёзида Жамилахон ҳов-
лини сотиб, Чек шўрадан бошқа
ҳовли олиш тараддудига тушди.
Кўшниси Мақсудалига уйни
сотиб олишни таклиф қилди. У
акаси, онаси билан чиқиб кўрди.
Бироқ нархини эшитиб ҳафсаласи
пир бўлди.

Келаси кун Жамилахон тагин
уларни чақирди. Савдолаштир ўн
беш миллион сўмга арзонлашти-
ришди. Қирк беш миллион сўмга
келишиб олишди.

— Ҳужжатларини ўзим қилиб
бераман, — деди йигирма милли-
он сўмни санаб олган Жамилахон.
Бир неча кун ўтиб қолганини ҳам
беришни сўради. Мақсудали та-
ниш-билишларидан қарз олиб
ҳовли учун жами ўттиз саккиз

миллион сўм тўлади.

Айни ўша кунлари ҳовли уй-
нинг асл эгалари маҳаллага келиб
сотилганини билиб қолишди. Мақ-
судалига ҳовли ўзларига тегишли
экандигини айтиб, ҳужжатлари-
ни кўрсатишгач, у Жамила опа-
дан пулини қайтариб беришни
талаб қилди. Қариндошларининг
уйларига борди. Улар орқали Жа-
милахон олган пулининг учдан
бир қисмига яқинини қайтарди.
Қолганини "Чек шўрадаги уйим-
ни сотиб тўлайман", "банкдан кре-
дит олиб тўлайман", деб алдаб пай-
салга солди.

Шу тариқа Миллий банк Фар-
ғона филиалининг етакчи мутахас-
сиси лавозимига ишлаб келган
Жамилахон Қодирова икки йил
мобайнида беш нафар фуқарони
турли йўсинларда алдаб, салкам
эллик миллион сўм пуллари
ўзлаштирди.

Суд мажлисида у айбига иқдор
бўлди. Шунингдек, жабрланувчи
ва гувоҳларнинг қўрсатмалари ор-
қали Ж.Қодированинг фирибгар-
ликдан иборат жиноий қилмиш-
лари ўз исботини топди. Суд унга
олти йил муддатга озодликдан
маҳрум этиш жазосини тайинла-
ди. Шаҳар прокурорининг жабр-
ланувчиларга етказилган зарарни
улиндириш хуёусида қиритган да-
во аризаси қаноатлантирилди.

Фирибгар жазосини олди. Бироқ
жабрланувчиларнинг осогина ал-
довга учиб, жиноятта шарт-шаро-
ити туғдирганларидан ҳам кўз
юмиб бўлмайди. Кредит ажратиш
билан бошқа мутахассислар шу-
ғулланишди. Кредит ажратиш
банк пул муомаласи бўлимининг
етақчи мутахассиси хизмат вази-
фасига қиймади. Жабрланувчи-
лардан биронтаси банкка бориб
Ж.Қодированинг бу борада вако-
лати борми-йўқми, сўраб-суриш-
тирмаган. Йўриқномалар билан
танишишни ўзларига эш кўриш-
маган. Тегишли ҳужжатларни рас-
мийлаштиришмаган. Қарз, пул
олди-бердиларини нотариал тас-
диқлаш хуёусида қайғуришмаган.
Улар "етақчи мутахассис"нинг
оғзаки ваъдаларига ишонмасдан,
тегишли тартибда, ҳужжатларни
расмийлаштириб иш кўрганлари-
да, чўв тушиб қолжамасди.

Илҳомжон ВАЛИЕВ,
Фарғона шаҳар прокурорининг
ўринбосари

ОЗАРБАЙЖОНЛИКАЛАР ТУРКИЯДАН НОРОЗИ

Боқуда Туркия маъмуриятининг Арманистон билан ярашиш йўлидаги ҳатти-ҳаракатларига қарши намоийшлар бўлиб ўтди. Пикет Туркиянинг Озарбайжондаги элчихонаси биноси олдида ўтказилди. Уни Қорабоғни озод қилиш ташкилоти уюштирган. Намоийш қатнашчилари ўзлари билан олиб келган Туркия президенти, Бош вазири ҳамда Ташқи ишлар вазири портретларини ёқиб юбордилар ҳамда "Туркия маъмуриятига лаънат!", "Туркия Қорабоғни арманларга сотма!", деб қичқира бошладилар. Сўнгра намоийшчилар Анкарани Арманистон-Туркия чегараларини очиш режаларидан воз кечишга қақириб, резолюция қабул қилдилар. Намоийш тахминан ўн минут давом этди. Сўнгра полиция ходимлари келиб намоийшчиларни тарқатиб юборди. Пикетнинг бир неча иштирокчилари қўлга олинди. Илгари хабар қилингандек Арманистон ва Туркия ўртасидаги дипломатик муносабатларни тиклаш ва чегараларини очиш назарда тутилган музокара Озарбайжонликларнинг газабинини жунбўшга келтирган бўлиши мумкин. Озарбайжон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида қараганда, "Ереван ва Анкара ўртасидаги мулоқотлар Озарбайжон ва Туркия ўртасидаги дўстона муносабатларнинг илдирига болта уралади". Туркия маъмурияти эса турк-арман муносабатлари масаласи ҳал этилаётганда Озарбайжон манфаатлари ҳам албатта инобатга олинади, деб таъкидламоқда. Мамлакат раҳбарияти вакиллариининг айтишича, Арманистон қўшнилари Тоғли Қорабоғ ҳудудидан чиқарилгандан кейингина Туркия билан Арманистон ўртасидаги чегара очилади.

ЖАРДА НАМОЙИШЛАР

13 октябрь куни Жанубий Африка Республикаси полицияси резина ўқларни ишга солиб, намоийшчиларни тарқатиб юборди. ЖАР шарқидagi бир неча шаҳарларда бўлиб ўтаётган намоийшлар аҳоли турмуш даражасининг пастлигига қарши қаратилган. Полициянинг хабарларига қараганда намоийшчилар Мпуман провинциясидаги бир шаҳарчада жойлашган муниципал бинога ўт қўйиб юборишган. Иккита полициячи эса намоийшчилар отган тошлардан жароҳат олишган. Reuters ахборот агентлигининг хабар беришича Стандартон шаҳарчасида полициячилар "Энди бизни фақат Зума (ЖАР президенти) тўхтата олади", дея қичқириб, бир машинани ағдариб юбормоқчи бўлган намоийшчиларга қарата ўт очган. Ҳозирги пайтда шаҳарчада барча дўконлар ёпилиб қўйилган, кўчаларда ёндириб юборилган автомобил шиналари тутаб ётибди. Мамлакат президенти вакилларнинг айтишича, Жейкоб Зума намоийшчилар билан учрашиш ниятида эмас. У "Мен билан учрашмоқчи бўлган одамлар, менга кўнги-роқ қилиб қўйса бўлди", деган эмис. Бундан бир ҳафта илгари Жанубий Африка Республикасининг турли шаҳарларида бошланган норозилик намоийшлари сабабли ҳозирги кунда 60 киши қамоққа олинган. CIA Factbook тарқатган маълумотга қараганда ЖАРда 2008 йилда ички ялпи маҳсулот киши бошига 10100 доллар миқдорда бўлган. АҚШда эса бу кўрсаткич 46900 долларни ташкил этади.

ҲАВО ШАРИНИНГ ҲАЛОКАТИ

Чоршанба куни Хитойнинг жанубида ҳаво шарининг портлаши оқибатида уч киши ҳалок бўлди, деҳ хабар беради "Синьхуа" ахборот агентлиги. Бахтсиз воқеа Гуйлинь шаҳри яқинидаги Гуанси-Чжуан автоном райониди маҳалли вақт билан соат 9-00да руй берган. Ҳаво шарни корзинасида ҳаммаси бўлиб 5 киши бўлган. Афтидан улар ҳаво шарини бошқаришнинг улдасидан чиқа олишмаган, шу боис ҳаво шарни портлаб кетган. "Синьхуа" ахборотида ҳалок бўлганларнинг миллати тўғрисида, шунингдек, қолган икки кишининг аҳоли ҳусусида лом-мим дейилгани йўқ, Agence France-Presseнинг ёзишича, бахтсиз воқеа Хитойнинг кўзга яққ этиб ташланган гўзал туманларидан бирининг осмонда юз берган.

ИНТЕРПОЛНИНГ БМТга ЁРДАМИ

Бундан буён Интерпол Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тинчликни барпо этиш ишларида ёрдам кўрсатади. Халқаро полициянинг Сингапурда бўлиб ўтган 78-Бош ассамблеясида ташкилотнинг бош котиби Роналдо Ноубл шу ҳақида гапирди. Унинг сўзларига қараганда, кейинги пайтларда турли низолар юз бераётган ҳудудларда жиноятчилик даражаси тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Солир этилаётган жиноятларнинг каттагина қисми ҳарбий жиноятлар эмас. "БМТнинг низоли ҳудудларда фаолият кўрсатётган тинчликпарвар кучлари кўпгина ҳолларда полиция функцияларини адо этмоқда. Шундоқ

экан, улар тегишли равишда тайёрланган бўлишлари ҳамда Интерполнинг маълумотлар базасидан керакли маълумотларни олишлари лозим", деди Ноубл. Унинг нуқ-таи назарини БМТ Бош котибининг тинчликпарварлик ишлари бўйича ўринбосари Ален ле Рой қувватлаб чиқди. Унинг таъкидлашича, бир қатор мамлакатларда жиноий фаолият агрессорларга яхшигина даромад манбаи бўлиб хизмат қилади. Улар жиноий йўл билан топишган маблағлар эвазига ҳарбий операцияларини молия-лаштиришди. Жиноий ҳатти-ҳаракатлар илдирига болта уриш низоли ҳудудларда тинчликни қарор топтиришга ёрдам беради. Интерполнинг маълумотлар базасида жиноятчиларнинг исм-шарифлари, бармоқ излари, ДНК намуналари, ўқирланган паспортлар ҳамда транспорт воситалари тўғрисида маълумотлар сақланади. Бундан ташқари Интерпол профессионал экспертларни БМТ ихтиёрига бериши мумкин. Бу эса корруп-

"ОЧЛИК" БЕКОР ҚИЛИНДИ

"Магдалена" теплоходининг россиялик олти нафар денгизчи-си томонидан ойлик тўламаганини сабабли 2 октябрда эълон қилинган "очлик" бекор қилинди. "Магдалена"нинг эгаси кемани Дубай портига ташлаб кетган. Транспорт ишчилари халқаро федерацияси инспектори Пётр Осичанскийнинг айтишича, денгизчиларнинг саёй-ҳаракати билан кема Бирлашган Араб Амирликлари томонидан "қамоққа" олингандан кейин "очлик" бекор қилинган. Кема эгаси барча қарзларини тўламагунча "қамоққа" олинган теплоход портдан чиқа олмайди. Осичанскийнинг айтишича, "Магдалена" экипажи тўлиқ тарқабди кемада қолади. Инспектор денгизчиларга иш ҳақини тўлаш қанча вақтга қўйилгани ҳусусида ҳеч нарса демаган. Унинг айтишича, "Экипаж аъзолари билан битим тузиш кема эгаси томонидан тутиладиган энг тўғри йўлди. Агар у денгизчилар билан битим тузмаса ва қарзларини тўламаса, кема ким ошди савдосига қўйилади. Агар кема эгаси барча қарзларини тўласа масала бир ой ичида ҳал бўлади. Кема ким ошди савдосига қўйилдиган бўлса, бу жуда узоқ давом этадиган жараёндир. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам денгизчилар ўз пулларини оладилар." "Магдалена" кемаси Германиянинг BJR Shipping GmbH & Co компаниясига тегишли бўлиб, унда Ангига ва Барбуда байроқлари кўтарилган. Россиялик Роман Востриков бошчилигидаги кема экипажи 16 кишидан ташкил топган бўлиб, уларнинг 9 таси Россия, 2 таси Украина, 4 таси Филиппин ва 1 таси Эстония фуқаросидир. Мотори бузиллиб қолган "Магдалена" август ойидан бери БААга қарашли ҳудудий сувларда турибди. Кема эгаси 5 ойдан буён экипаж аъзоларига ойлик иш ҳақи тўлагани йўқ. Иш ҳақидан қарздорлик ҳозирги кунда 300 минг долларни ташкил этади. 2 октябрь куни 3 та россиялик денгизчи — электромеханик, учинчи механик ва моторист иш ҳақлари тўланишини ва уларни ватанларига қайтаришларини талаб қилиб, очлик эълон қилган эдилар. Сўнгра яна 3 нафар россиялик денгизчи очлик эълон қилган. Кеманинг "қамоққа" олинганлиги эса 12 октябрь куни маълум бўлган.

АҚШЛИК АЁЛ ЖАСАДИ

"Интерфакс" ахборот агентлигининг хабар беришича, Минскдаги "Европа" меҳмонхонасида АҚШлик аёл жасоди топишган. Жасад меҳмонхона номерининг ваннахонасида топишган. Улим ҳолатларга қараганда аёл маълум эмас. Минск прокуратурасидан хабар беришларича, мурда суд-тиббий экспертизасидан ўтказилди. АҚШнинг Белорусиядаги элчихонаси воқеадан хабардор этилган. Ҳозирги маълумотларга кўра, "америкалик аёл Россияга саёхатга отланган бўлиб, Минскда вақтинча тўхтаган" бўлиши мумкин.



КУБАЛИК ЖОСУС ТУРМАДА

Майами федераль суди сешанба куни АҚШ ҳудудига жосуслик қилгани учун 2001 йилда қамоққа олинган кубалик Антонио Геррерога берилган қамоқ муддатини қисқартирди. 2008 йилда апелляция суди Геррерога берилган умрбод қамоқ жазосини ўзгартирган эди. Ушанда судьялар АҚШнинг ҳар қанақа ҳарбий сирлари ўғирланганлиги сабабли умрбодлик қамоқ жазоси ўта қаттиқ жазо деган қарорга қарар эдилар. Эллик ёшга тўлган Герреро "кубалик бешовлон" деган гуруҳнинг аъзоси бўлиб, улар Кубада қаҳрамон деб ҳисоблангандилар. Улар 2001 йилнинг июнь ойида АҚШнинг ҳарбий базасига киришга ҳаракат қилган пайтда қўлга олинди, "Куба фойдасига шпионлик қилган", деган баҳона билан қамоққа ташланган эдилар. Бундан ташқари улар "Оғалар ёрдамга келади" номи ташкилотининг аъзоларини ўлдир-ишга суиқасд қилганлиқда айблан-ган эдилар. Герреродан ташқари яна икки судланганининг аризалари қўриб чиқилган. Уларга берилган умрбод қамоқ жазосини ўзгартирши масаласи кейинроқ ҳал этилади.



СИЁСИЙ БОШПАНА



Associated Press ахборот агентлигининг хабар беришича, Эрон президентининг давлат маслаҳатчиси Махди Калхорнинг қизи Наргиз Калхор Германия ҳукумати-дан сиёсий бошпана беришни илтимос қилиб, ариза ёзди. Махди Калхор Эрон президенти Махмуд Ахмадинажолдиннинг маданият ва ОАВ-лар билан ишлан масалалари бўйича маслаҳатчиси. Унинг қизи Наргиз Калхор Нюрнбергда бўлиб ўтган, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш муаммоларида бағишланган кинофестивалда иштирок этиш учун келган чоғида сиёсий бошпана сўраб, ҳужжатларни топшир-ган. Қиз фестивалда ўзи яратган, тоталитаризм ва турли қий-ноқларни қўллаш танқид қилинган фильми билан иштирок эт-ган. Узининг эронлик ҳамкасби Ханой Махмалбадга берган ин-тервьюсида Калхор отаси унинг Германиядан сиёсий бошпана сўраш ҳусусидаги режаларидан беҳабар эканлигини баён қил-ган. Бу интервью You Tube да чоп этилган. Бироз кейинроқ Махди Калхорнинг ўзи Эроннинг IRNA ахборот агентлигига берган интервьюсида сиёсий қарашларидаги фарқлар тўғрисида бир йилдан бери Наргиз ва унинг онаси билан бирга яшамас-танлигини баён этган. Наргиз эса отаси ўз фикрини ўзгатири-ши ва ҳозирги қийин вазиятда қизини қўллаб-қувватлашдан умидвор эканлигини айтган.

ҚҲЙ КҲРНИШИДАГИ КРЕДИТЛАР

Қозғистоннинг Павлодар областида деҳқон хўжалик эгалари қўй кўринишидаги давлат кредитларини ола бошладилар. "Жайляу" лойиҳасини Қозғистоннинг "Ерptic" хўжалик-тадбиркорлик корпорацияси амалга оширмоқда. Бу корпорация қўйларни давлат но-мидан 5 йилга ижарага беради. Тахмин қилинишча, қўйлар кейин компанияга қайтарилиши лозим. Қўзиларни эса ижарачи ўзига қол-диради. Ва шу йўл билан ўзи ҳамда оиласининг моддий фаровон-лигини оширади. "Ерptic"нинг бошқарувчи директори Нурлан Ома-ровнинг сўзларига қара-ганда, Экибастўз қишлоқ зонасида фаолият кўрсат-ётган 10 та фермер 100 тадан қўй олган. Бу дас-тур қишлоқ аҳолисининг кредит олиш жараёнини осонлаштиради. Омаров-нинг сўзига қараганда, бундай кредит "ҳеч қан-дай эвасизсиз берилади". Кишиллар бир тийин ҳам сарф-харажат қилмайдил-лар. Ундан ташқари қўйларни кредитга олган кишиллар ҳеч қандай фоииз тўламайдилар. Қўй олишга талабгорлар рўйхатини вилёт ҳокимияти томонидан тузилган туман коммиссиялари қўриб чиқади. Биронта қўзда тутил-маган ҳолат юз берганда ҳам ҳеч ким жабранмайди. Чунки қўйлар суғурта қилинган. Омаровнинг сўзларига қараганда кейинги йили отлар ва қорамолларни ижарага бериш режалаштирилмоқда. Ундан кейин навбат чўчқачилиққа келади.



ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!
Корхона ва объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича Наманган вилояти ҳудудий танлов комиссияси танлов эълон қилади
Хўматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги 232-сонли қарорига мувофиқ "Косонсой ППР" акциядорлик жамияти устав фондидаги 50,0 фоиз акция пакетини инвестиция қилиш шарти билан "нол" қийматда берилиши белгиланган бўлиб, корхона ва объектларини инвестиция мажбурияти эвазига инвесторларга бепул бериш бўйича танлов савдолари ўтказувчи вилоят ҳудудий комиссияси томонидан "Косонсой ППР" акциядорлик жамияти устав фондидаги 50,0 фоиз акция пакетини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича танлов эълон қилинади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

№	Корхона ва объектларнинг номлари	Жойлашган манзили	Хусусийлаштирилиши белгиланган давлат активи (%)	Фаолият тури (фаолият турини сақлаган ҳолда ёки фаолият турини сақламаган ҳолда)	Минимал инвестиция миқдори (млрд.сўм)	Инвестиция мажбуриятларини бажариш муддати (йил)
1.	"Косонсой ППР" акциядорлик жамияти	Косонсой тумани	50,0	Фаолият турини сақлаган ҳолда	1,0	2

Танлов ўтказиш муддати: 2009 йил 15, 24 ва 30 декабрь соат 14-00 да. Танлов ўтказиш жойи — Наманган вилояти давлат мулкни бошқариш бошқармаси. Танловда барча жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари (хорижий сармоядорлар) қатнашишлари мумкин. Танловда қатнашиш учун инвесторлар эълон қилинган танлов ўтказилиши санасидан камида уч кун олдин ҳудудий комиссияда қўриб чиқиш учун муҳрлаб қўйилган конвертда танлов шартларига мувофиқ ўз таклифларини қўйиладигача тақдим этишлари лозим.

Юридик шахслар учун:

- руйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, нотариал идораси томонидан тасдиқланган таъсис ҳужжатлари;
- ўтган йилги ҳисобот йилига (охирги ҳисобот даврига) аудиторлик ҳулосаси;
- Республика ва бошқа давлатларда амалга оширган ишлари тажрибаси тўғрисида маълумот;
- Молиявий таклиф;
- Техник таклиф.

Танлов таклифлари инвестицион дастуридан белгиланган муддатларда бажарилиши, корхонани модернизациялаш, янги замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда молиявий иқтисодий аҳолини соғомлаштириш ва фаолиятини тиклашга қаратилган бизнес режани ўз ичига олиши лозим.

Танловда иштирок этишни истаган жисмоний ва юридик шахслар ҳудудий танлов комиссиясининг ишчи органи — Давлат мулки қўмитасининг Наманган вилоят бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар бўйича Наманган вилояти давлат мулкни бошқариш бошқармасининг қуйидаги телефонларга мурожаат қилишнингиз мумкин: (8 369) 226-31-70; 226-44-39

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ «ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 августдаги 253-сонли Қарорига биноан сотилиши белгиланган, «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» МЧЖ томонидан ўтказиладиган биржа савдоларида турган қуйида келтирилган муниципал мулк объектлари (бино қисмлари, бино ва ишхоналар) Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сонли Қарори талабларига мувофиқ бошланғич нархдан камида 30 фоиз миқдорида инвестиция қилиниши ҳамда янги ишчи ўринларини ташкил этиш шарти билан белгиланган тартибда давлат активларининг бошланғич нархига нисбатан босқичма-босқич пасайтириш механизмини қўллаган ҳолда сотилади.

№ т/р	Манзили	Уй №	Тавсифи	Майдони (кв.м.)	Балансда ушбаб турувчи	Бошланғич нархи (сўм)
1	Миробод тумани	Кўйлик 1-мавзе	4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	48,00	ТШХКФБ	38 400 000
2	Миробод тумани	Кўйлик 1-мавзе	4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	115,00	БФД**	92 000 000
3	Миробод тумани	Муинс кўчаси	5 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	91,00	ТШХКФБ	72 800 000
4	Миробод тумани	Муинс кўчаси	5 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	91,00	ТШХКФБ	72 800 000
5	Миробод тумани	Сайхун (собиқ Порхўжаев) кўчаси	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	89,00	ТШХКФБ	71 200 000
6	Сергели тумани	Сергели 4-мавзеси	5 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	198,00	БФД	158 400 000
7	Сергели тумани	Кўйлик 5-мавзеси	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	70,00	БФД	56 000 000
8	Сергели тумани	Кўйлик 5-мавзеси	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	139,00	БФД	111 200 000
9	Сергели тумани	Спутник 5-мавзеси	2 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	76,80	БФД	61 440 000
10	Юнусов тумани	2-мавзеси	4 қаватли бинонинг 3-қавати бир қисми	87,00	БФД	69 600 000
11	Юнусов тумани	Бодомзор кўчаси, 96-хонадон	9 қаватли бинонинг 9-қавати бир қисми	77,00	БФД	65 450 000
12	Учтепа тумани	Чилонзор 30-мавзеси	12 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	71,00	БФД	56 800 000
13	Учтепа тумани	Чилонзор 22-мавзеси	4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	314,00	БФД	251 200 000
14	Учтепа тумани	Чилонзор 15-мавзеси, 3-хонадон	4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	40,00	БФД	32 000 000
15	Учтепа тумани	Чилонзор 22-мавзеси	10 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	102,00	ТШХКФБ	81 600 000
16	Учтепа тумани	Чилонзор 23-мавзеси	8 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	127,00	БФД	101 600 000
17	Бектемир тумани	Бектемир (собиқ Суучи) дахаси, 137-138-хонадонлар	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	162,00	БФД	121 500 000
18	Бектемир тумани	Ж.Тошқандий кўчаси, 41-хонадон	4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	89,00	БФД	66 750 000
19	Шайхонтоҳур тумани	Осиёна мавзеси, 1-хонадон	4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	84,00	БФД	79 800 000
20	С.Раҳимов тумани	Кора-Қамил дахаси, 1/3-мавзеси	4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	79,00	БФД	63 200 000
21	Чилонзор тумани	Чилонзор дахаси, 20/1-мавзеси	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	165,00	БФД	132 000 000
22	Чилонзор тумани	Чилонзор дахаси, 20/1-мавзеси	9 қаватли бинонинг бир қисми	56,00	БФД	44 800 000
23	Чилонзор тумани	Бунёдкор шох (Халқлар Дустили) кўчаси	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	115,00	БФД	92 177 700
24	Чилонзор тумани	Чилонзор дахаси, 20/1-мавзеси	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	174,00 (шайтон 8 кв.м.)	ТШХКФБ	130 500 000
25	Чилонзор тумани	Чилонзор дахаси, 20-мавзеси	4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	106,00	БФД	84 800 000
26	Чилонзор тумани	Чилонзор дахаси, 20/1-мавзеси	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	124,00	БФД	99 200 000
27	Чилонзор тумани	Чилонзор дахаси, 20-мавзеси	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	65,00	БФД	52 000 000
28	Чилонзор тумани	Чилонзор дахаси, 18-мавзеси	5 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	154,00	БФД	123 200 000
29	Чилонзор тумани	Чилонзор дахаси, Ц-мавзеси	4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	55,00	ТШХКФБ	41 250 000
30	Сергели тумани	Спутник 2-мавзеси	бир қаватли бинонинг бир қисми	157,00	БФД	125 600 000
31	Сергели тумани	Спутник 1-мавзеси	бир қаватли бинонинг бир қисми	143,00	БФД	114 400 000
32	Сергели тумани	Дўстлик 2-мавзеси	МТБ** а бир қаватли бинонинг бир қисми	49,00	БФД	39 200 000
33	Сергели тумани	Спутник Ц-мавзеси	рамк-сиз бир қаватли бино	1767,00	БФД	1 080 233 600
34	Ҳамза тумани	Хамисор кўчаси	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	71,00	БФД	56 800 000
35	Ҳамза тумани	Усмонова кўчаси	3 бир қаватли бино	77,00	БФД	61 600 000
36	Ҳамза тумани	Авиасозлар-2 (собиқ Лисунов-1а) дахаси	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	57,00	БФД	45 600 000
37	М.Узунбек тумани	ТТЗ-1 мавзеси	31а бир қаватли бино	118,00	БФД	94 400 000
38	М.Узунбек тумани	Қорасу 4-мавзеси	2 қаватли ертўзлаш бинонинг бир қисми	241,00	БФД	192 800 000
39	М.Узунбек тумани	А.Юғнай мавзеси	22а бир қаватли бино	324,00	БФД	266 927 482

40	М.Узунбек тумани	Япанғот мавзеси	103	4 қаватли бинога тақаб қўрилган 1 қаватли бинонинг бир қисми	117,00	ТШХКФБ	93 600 000
41	М.Узунбек тумани	Парент кўчаси, 161-хонадон	1	9 қаватли бинонинг 9-қавати бир қисми	70,00	БФД	66 500 000
42	М.Узунбек тумани	Хумон мавзеси	3а	2 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	99,00	БФД	79 200 000
43	М.Узунбек тумани	ТТЗ дахаси, 4-мавзеси	34	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	83,00	БФД	66 400 000
44	М.Узунбек тумани	А.Юғнай мавзеси	19а	бир қаватли бино	145,00	БФД	116 000 000
45	М.Узунбек тумани	Қорасу 1-мавзеси	18	5 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	143,00	БФД	115 000 000
46	М.Узунбек тумани	Қорасу 4-мавзеси	2	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	98,00	БФД	78 400 000
47	М.Узунбек тумани	Ҳамза Олимжон майдони, Гарбий томони	рамк-сиз	2 қаватли бинонинг ертўзлаш бир қисми	47,00	БФД	37 600 000
48	М.Узунбек тумани	Т.Малик кўчаси	15	бир қаватли бино	213,00	БФД	170 400 000
49	М.Узунбек тумани	Буюк ипак йўли кўчаси	427а	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	79,00	ТШХКФБ	63 200 000
50	М.Узунбек тумани	А.Юғнай мавзеси	28а	бир қаватли бино	231,00	БФД	184 800 000
51	Яккасарой тумани	Бобур кўчаси	76	12 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	57,00	ТШХКФБ	45 600 000
52	Яккасарой тумани	Бонлик мавзеси, 54-хонадон	7	9 қаватли бинонинг 9-қавати бир қисми	131,00	БФД	104 800 000
53	Яккасарой тумани	Қушбег мавзеси, 108-хонадон	1	9 қаватли бинонинг 9-қавати бир қисми	115,00	БФД	97 750 000
54	Сергели тумани	Ўзғарин мавзеси	8а	бир қаватли бино	58,86	БФД	47 090 000
55	Сергели тумани	Спутник 11-мавзеси	53	бир қаватли бинонинг бир қисми	221,00	БФД	176 800 000
56	Сергели тумани	Спутник 4-мавзеси	2	2 қаватли бино	422,00	БФД	337 600 000
57	Ҳамза тумани	Авиасозлар-2 (собиқ Лисунов-1а) дахаси	66	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	43,00	БФД	34 400 000
58	Ҳамза тумани	С.Азимова кўчаси	63	9 қаватли бинонинг 9-қавати бир қисми	71,00	БФД	56 800 000
59	Ҳамза тумани	Авиасозлар-2 (собиқ Лисунов-1а) дахаси	27	4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	129,00	БФД	103 200 000
60	Ҳамза тумани	Авиасозлар-2 (собиқ Лисунов-1а) дахаси	66	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	50,00	БФД	40 000 000
61	Ҳамза тумани	Слоним 2-дахаси	5	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	50,00	БФД	40 000 000
62	Ҳамза тумани	Слоним 2-дахаси	5	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	252,00	ТШХКФБ	201 600 000
63	Ҳамза тумани	Қорасу (собиқ Лисунов) кўчаси	2	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	187,00	БФД	149 600 000
64	Ҳамза тумани	Ғалабининг 40 йиллиги дахаси, 1-мавзеси	19	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	48,00	БФД	38 400 000
65	Ҳамза тумани	Бойқўрғон кўчаси	11/1	бир қаватли бинонинг бир қисми	106,00	ТШХКФБ	84 800 000
66	Ҳамза тумани	Авиасозлар-1 (собиқ Лисунов-1) дахаси (12-ётқоқда)	120	4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	218,00	БФД	174 400 000
67	Ҳамза тумани	Ғалабининг 40 йиллиги дахаси, 1-мавзеси	18	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	90,00	БФД	72 000 000
68	Ҳамза тумани	Ғалабининг 40 йиллиги дахаси, 1-мавзеси	18	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	34,00	БФД	27 200 000
69	Ҳамза тумани	Исмаилов кўчаси	18	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	48,00	БФД	38 400 000
70	Ҳамза тумани	Авиасозлар-2 (собиқ Лисунов-1а) дахаси	65	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	39,00	БФД	31 200 000
71	Ҳамза тумани	Авиасозлар-1 (собиқ Лисунов-1) дахаси, 1-хонадон	115	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	51,00	БФД	40 800 000
72	Ҳамза тумани	Авиасозлар-2 (собиқ Лисунов-1а) дахаси	29а	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	41,00	БФД	32 800 000
73	Ҳамза тумани	Қорасу (собиқ Лисунов) кўчаси, 25-ётқоқда	29а	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	49,00	БФД	39 200 000

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шох кўчаси, 16 а-уй, 4-қават, 401-хона. Телефонлар: 233-35-08, 232-25-51, 233-20-74, факс: 232-19-51.

ТУЗАТИШ: Давлат Мулки Қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан "Нуқуқ" газетасининг 2009 йил 8 октябрдаги 41-сонида берилган эълондаги "2009 йил 9 ноябрь куни" ўрнига "2009 йил 16 ноябрь куни" деб ўқилсин.

Ҳаётда шундай инсонлар бўлади-ки, улар тириклик пайтларидаёқ афсонага айланиб улгурадilar. Дарҳақиқат, яшил майдонлардаги ажойиб ўйинлари-ю қойилмақом голлари билан миллионлаб ишқибозларнинг олқишига сазовор бўлган Пеле билан Марадона, жаҳоннинг мана-ман деган машҳур боксчиларига мағлубият аламини татиб кўришлари учун етарли сабоқ берган Мухаммад Али, бетакрор рақси-ю ўзига хос овози ила мухлислар кўнглини забт этган Майкл Жексон...

Шу ўринда ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг диёримизда ҳам ана шундай дунё тан олган инсонлар борки, улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Тамара-хоним, академик Ҳабиб Абдуллаев, Ботир Зокиров, Руфат Рисқиев...



ТИРИК АФСОНА

Руфат Рисқиев...

Ўтган аср етмишинчи йилларининг бошларида юзлаб болалар бокс секцияларига ёзила бошлади-лар. Кўча-кўй, маҳалла, мактаблар, кўйингки деярли ҳар бир хонадонда битта исм бот-бот қўлоққа чалинарди: Руфат Рисқиев. Бўлмаса-чи, Кубада бўлиб ўтган биринчи жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз ўз вази тоифасида не-не донгдор боксчиларни маҳв этиб, дунёда тенгсиз эканлигини исботлаб бергач, шундай бўлиши табиий эди, албатта.

Булларнинг барчаси 35 йил илгариги гаплар. Ўша пайтдаги болакайларнинг кумирига айланган Руфат Рисқиев эса ўтган ҳафта 60 ёшга тўлди. Тан олиш керак, Руфат ака ҳақида жуда кўп ёзилди. Нафисларини айтганда, бирор янги гап айтиш ҳам мушкул. Шундай бўлса-да, ҳам қаҳрамонимизни юбилеи билан қўллаш баҳонасида, ҳам икки оғиз суҳбатлашш ш мақсадида у кишининг уйига йўл олдим.

Дарвозага қўнлашганимда, илгари кўп эшитганим, Руфат аканинг дарвозаси доимо очик турди, деган гапга қамини ҳам амин бўлдим. Дарвозадан ичкарига кираман. Олди, кичкинагина ҳовли. Очиғи, озорқ ҳаяжон ҳам йўқ эмасди. Гарчи у кишини кўча-кўйда кўп учратган бўлсам-да, ҳеч суҳбатлош бўлмаган эдим. Қолаверса, Руфат ака фаолияти давомиди менга ўхшаган мухбирларнинг қанчасини кўрган...

Икки-уч марта қақирганимдан кейин ичкаридан "Руфатхон болам, қара, кимдир келди" деган аёл кишининг овози келди. Кўп ўтмай оstonада Руфат ака пайдо бўлиб, ичкарига бошлади. Мана, ниҳоят қаҳрамонимиз билан юзмаюз ўтирибман. Ўша, 1971 йилдан 1976 йилгача нафақат Европанинг, балки жаҳоннинг биринчи чарм қўлқоп устаси ҳисобланган, 189 та расмий жангдан 174 тасини галаба

билан якунлаган, 1979 йилда Тошкентга келган афсонавий Мухаммад Али томонидан йўқланган, ҳатто у ҳақда "Матонат" номи ки-тов ва "Рингта қақрилади" деган фильм ҳам яратилган Руфат Рисқиевнинг рўпарасида ўтирибман. Суҳбат аввалида у кишини юбилеи билан қўллаб, шу кунларда қалбидан нималар кечаётгани билан қизикдим.

— Ишонасизми, йўқми, уч қарра йигирма ёшли йигитдекман. Ўзимни ҳам руҳан, ҳам жисмонан яхши ҳис қилаётман. Кайфиятим ҳам зўр.

— Устига устак айли кунларда Аббос Атоевнинг жаҳон чемпиони бўлгани ҳам қувончингизга қувонч қўшаёдингиз?

— Бўлмасам-чи! Боксчиларимизнинг ҳар бир галабасини ўзимникидек қабул қиламан. Тўғри, унинг жангини кўра олмадим. Аммо, ютуғини эшитиб, жудаям хурсанд бўлдим. Ундан ташқари, ҳозирги ёшларга ҳавасим келади. Қамини собиқ Иттифок номидан курашганим. Бугун-чи? Бирорта спортчимизнинг галаба қозонганида байроғимизнинг баланд кўтарилиб, мадҳиямизнинг янграши-чи! Улар учун яратилган шарт-шароитлар-чи! Қани энди яна ёш йигит бўлиб қолсам-да, ҳаммасини қайта бошласам...

Руфат ака шундай дер экан, сизгарага олиб тутатди. У кишининг залворли қўлларига, ярим букилган панжаларига қараб туриб кўнглимдан бу муштарнинг "ма-за"сини жаҳоннинг ўша пайтлардаги не-не машҳур боксчилари татиб кўришмаган-а?!" деган ўй ўтди.

— Ўстлик ҳақида нима дейсиз?

— Айтишларича, спортчиларнинг ўстлиги бошқача бўлар экан.

— Ўстларимнинг кўнглигига шуккур қиламан. Ҳар ойда йиғилиб тураман. Бундан асосий мақсад фақат ошхўрлик қилиш эмас, балки, либдорлаштириш. Қолаверса, бир-биримизнинг аҳолимиз би-

лан қизиқамиз. Бирортанимиз ёрдамга муҳтож бўлсак, қўлдан келганча қўмақлашамиз. Қайси бир йили қалдронларимдан Боту Газизовнинг аёли қазо қилди. Бояқки аввалига шовиб, нима қилишни билмай қолибди. Сўнгра бизга, яъни собиқ боксчиларга хабар берди. Биттамм қадристонга, иккинчимиз бошқа ёққа югуриб, расм-русумларни ало этишда имкон қалар ерданлашдик. Ахир биродарининг оғир кунда ёнида турганимиз дўст деб бўладими? Шошманг-чи!..

Руфат ака шундай дея қўл телефони олиб, қаққадир кўнгириб қилибди: "Равшан, яхшимсан?" Газетадан мухбир келган экан. Москвадаги болаларга ёрдам берганимиз эсингизми? Ҳа, ҳа, ўша воқеани гапириб бермоқчиман. Нима дейсан?" дея бироз гаплагани. Телефонни ўчиргач, менга юзланди:

— Мана сизга яна бир мисол. Ҳозир одам савдоси деган бало пайдо бўлган. Шу Равшан деган йигит иш билан Москвага борганида, қайсида қурилишда ишлайётган йигирма чоғли йигитни учратиб қолади. Уларнинг орасида икки-уч нафр ҳамюртларимиз ҳам бор экан. Равшан имконини топиб, уларнинг паспортини олиб беради ва уйига қайтишига ёрдам беради. Назаримда бу ҳам дўстликнинг ўзига хос бир кўриниши бўлса керак.

— Руфат ака, бугунги спортчиларимизнинг қайси бирида ўз ёшларинингизни кўрайсиз? Айтмоқчиманки, қайси боксчиларнинг техникаси-ю жанг олиб бориши сизга маъқул? Ундан ташқари, яхши на-тижаларга эришмаган деган боксчи айнан нималарга эътибор бериши керак?

— Уларнинг ҳаммаси ўзига хос. Бирортаси иккинчисини тақрорламайди. Ўзига хос услуби, техникаси бор. Бу бир томондан яхши жиҳат. Боксда нафақат қўл билан оёқ, балки мия ҳам ишлаши шарт. Энг асосийси эса ирода мустаҳкам бўлиб, голиб бўлишга ишонч куч-

«Тошкент йўлбарси» Руфат Рисқиев 60 ёшда

ли бўлиши ўта муҳим. Шу билан бирга руҳий тайёргарлик ҳам катта роль ўйнайди. Биргина мисол: Тўқсонинчи йиллар бўлса керак, бокс бўйича ёшлар ўртасида республика чемпионатининг финал мусобақалари бўлаётти. Ён-атрофи н кузата туриб, бир четда рингга чиқишга тайёргарлик кўраётган йигитга нотаҳон кўзим тушиб қолди. Аҳамият берсам, ўзини ноқулай ҳис қилиб, безовта бўлаётти. Суриштирсам, у биринчи разрядли, рақибни эса спорт устаси бўлиб, республика чемпионлигини қўлга киритган боксчи экан. Йигитнинг кайфиятини тушундим. Бундай мусобақада илк мартаба иштироки. Албатта, ҳаяжон, чўчиш деган нарсаларнинг бўлиши табиий. Шу пайт ёнимдаги ҳамроҳим елкамга туртиб: — Жудаям бўш кўринади-ку! Ютқазини аниқ. Рингга чиқиб нима қиларди, — деб қолди. Унга жавоб беришга шовилмай, йигитчани яна бироз кузатиб турдим-да, "Менимча ютади" дедим. У ишонмади. Ҳазил аралаш гаров боғлаган бўлдик. Индамай ўрнимдан турдим-да, йигит

тижа бермайдди. Бунисида эса, — у ўнг қўли билан тўсатдан ҳавода зарба бераркан, белидан юқори қисми ҳам елкасига қўшилиб, олдинга узутилди: — Зарба ҳам аниқ, ҳам кучли бўлади. Энди иккинчи саволингизга келсак: Айтинг-чи, палов тайёрлаётганда қайси масаллиқ етишмаса, ош кўнглидагидек чиқмайди?

Ўйлаиб қолдим. Назаримда яхши палов тайёрлаш учун гуруч, гўшт, сабзи, ҳатто тузи билан суви ҳам тобида бўлиши шарт. Фикримни айтдим.

— Тўппа-тўғри. Боксда ҳам худди шундай. Уларнинг фарқи палов бир соатда тайёрланса, боксда йиллар керак бўлади. Шундан келиб чиқсак, айтганларимнинг ҳаммаси бир-бирига боғлиқлиги кўрилади. Бир иккинчисини тўдириб туради.

— Айтмоқчи, бир вақтлар "Рингга қақрилади" номи кинода суратга тушган эдингиз. Ўша пайтда бу фильм анча доғруғ ҳам тартатганди. Нима учун бошқа роль ўйнамадингиз? Ё тақлифлар бўлмади?



— Нега энди, ўйнадим. Лекин ҳаётда мен учун бокс азизроқ эди. Шунинг учун бошқа тақлифларни рад этдим.

— Армонингиз ҳам борми?

— Армонсиз одам бўлмаса керак. Ягона армоним олимпиадада олтин медалини ололмаганим. Ваҳоланки, ўшанда чемпион бўлишга ҳар томондан тайёр эдим. Афсуски, айрим ноҳақликлар сабаб бўлиб... Майли, ўтган ишга саловат. Умуман олганда ҳаётда деярли ҳамма нарсага эришдим. Яна нима керак? Чемпионатлардан олган медалларимни музейга топширганман. Уйда турганидан нима фойда? Ахир улар аввало халқимизнинг бойлиги-ку! Менинг энг катта бойлигим-у мукофотим эса онамнинг ёнимда эканликлари...

Шу пайт "Руфатхон" деган овоз эшитилди. Руфат ака "ҳозир ойна" деди-да, ёшига ярашаман енгилди билан ичкарига йўналди. Мен унинг орқасидан ҳайрон бўлганча қараб қолдим. Бир вақтлар уни дунё матбуоти "Тошкент йўлбарси" деб таърифлаган эди. Унинг вазоҳатидан, унинг темирдек зарбидан не-не донгдор чарм қўлоқп усталари эсанкираб қолишган. Энди бўлса, ана шу "йўлбарс" қаршимда худди ёш боладек кўринади. Ҳаётнинг рад этиб бўлмайдиган бир ҳақиқати бор. Фарзанд ким бўлишидан қатъи назар, елкаси ер искаматдан полвонми, қаҳрамонми, жаҳон чемпиони... она учун бола бўлиб қолаверар экан. Ва суҳбатимиз асносида Руфат ака айтган бир гапни яна эсладим. "Менинг энг катта мукофотим онамнинг ёнимда эканлиги..."

Гофуржон АЛИМОВ,
"Huquq" мухбири

Ўтанларнинг охири ошод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Бош прокуратура бошқарма бошлиғи Илҳом Ачиловга онаси СОЖИДА аянинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV,
Bahrididdin VALIYEV, Baxtiyor
NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Svetlana ORTIQOVA, Tahir MALIK

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida
2007 yil 22 yanvarda O188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va
suratlar egalari qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan
farqlanishi mumkin. Nashriyazdan
ko'chirib bosilganda "HUQUQ"dan
olingandigi ko'rsatilishi shart. Tijorat
ahamiyatiga molik materiallar **
belgisi ostida chop etiladi.

Nashr ko'rsatkichi — 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma j-8250. 21 382 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va
sahifalandi. "HUQUQ" original maketi.
Nabatchi muharrir: G'ALIMOV
Nabatchi: O' DENQONOV
Muharrir: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta O'zbekiston nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonamanzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta haftaning
payshanba kunlari
chiqadi.
Sotuvda
kelishilgan narxda